

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги

Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат

педагогика институти

«Иқтисодий билим асослари» кафедраси

"Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ"
фанидан маъруза матни

ЖИЗЗАХ-2010

Кафедра йиғилишида муҳокама этилган ва тасдиқланган. Баёнома № .
26.06 2010 йил.

“Иқтисодий билим асослари” кафедраси мудири:
Тузувчилар:
Такризчи:

доц. Ш. Хидиров
А. Усмонов
доц. Р. Ҳидоятлов

К И Р И Ш.

“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан маъруза матнлари “География иқтисодий билим асослари” таълим йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган.

Ушбу маъруза матнлари юқоридаги таълим йўналиши бўйича давлат стандарти ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган янги ўқув режаси асосида тузилди.

Мавзуларни ёритишда муаллифлар жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, замонавий жаҳон хўжалиги ресурсларини шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш, халқаро иқтисодий муносабатларни аҳамияти ва давлатларнинг ривожланишидаги ўрни, стратегияси ва уларни соғломлаштириш, барқарорлаштириш билан боғлиқ бўлган янги фикрлар, муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор беришган. Шу билан бирга ҳар бир мавзу бўйича таянч иборалар берилган.

№1 Мавзу: Жаҳон ҳўжалиги ва Халқаро иқтисодий муносабатлар Режа.

1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети.
2. Жаҳон ҳўжалигининг ривожланиш босқичлари ва тенденциялари.
3. Очиқ иқтисодиётнинг моҳияти.
4. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари.

Таянч атамалар: Жаҳон ҳўжалиги, миллий иқтисодиёт, иқтисодий муносабатлар, жаҳон бозори.

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohatlarni chuqurlashtirish eng muhim vazifamiz”, - Toshkent: “O’zbekiston” 2000 y.
2. Karimov I. A. “Узбекистан по пути углубления экономических реформ” , Тошкент: “Узбекистан” 1996 y.
3. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekistonda uni bartaraf etishning yo’llari va choralari ” Toshkent: “O’zbekiston” 2009 yil.
4. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
5. Кругман П. Международная экономика . 5-е изд. Питер. СПб : 2002 г.
6. Ливенцев Н. Международные экономические отношения. Учеб. Москва. 2005 г.
7. Nazarova G. G, Xaydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O’quv qo’llanma. Toshkent: 2002 yil.
8. Shodmonov Sh. , G’afurov “Iqtisodiyot nazariyasi” Toshkent: “Moliya” 2005 yil
9. Usmonov A., Sangirov O’. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma’ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
10. Sh. Ergashev, T. Bobomatov, N. Tursunov va boshqalar. “Jahon mamlakatlari” Toshkent: “Sharq” 2007 yil
11. www.wto.org
12. www.worldbank.org

1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети. XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон ҳўжалиги фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг жадал равишда ривожланиб боришидир. Жаҳон ҳўжалигида давлат гуруҳлари ва иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсмотининг чуқурлашуви ва ҳўжалик ҳаётининг байналминаллашувида, уларнинг бири-бирига боғлиқлиги ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустақамланишида намоён бўлмоқда.

Шуниси характерлики, ўзаро ҳамкорлик ва яқинлашув жараёнлари карама- қарши, диалектик характерга эга. Халқаро иқтисодий

муносабатларнинг диалектикаси шундаки, айрим мамлакатларнинг иқтисодий мустақилликка, миллий хўжаликни мустахкамлашга интилиши, оқибат натижада жаҳон хўжалигини янада кўпроқ байналминаллашувига, миллий иқтисодиётнинг очиклигига, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар предмети икки асосий қисмдан, яъни, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзи ва уни амалга ошириш механизмидан иборатдир. Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига алоҳида мамлакатларни, уларнинг минтақавий бирлашмаларини, шунингдек алоҳида корхоналарнинг (трансмиллий, кўпмиллий корпорацияларни) жаҳон хўжалиги тизимидаги бир- бирига қарама- қарши бўлган иқтисодий муносабатларнинг механизми эса ўз ичига ҳуқуқий меёрларни ва уларни амалга ошириш воситаларини (халқаро иқтисодий шартномалар, келишувлар, кодекслар, ҳартиялар ва ҳ. о), халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида амалга оширишга йўналтирилган халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолиятини олади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) тизимига қуйидагилар киради:

- 1. Халқаро меҳнат тақсимоти.**
- 2. Халқаро товар вахизматлар савдоси.**
- 3. Халқаро капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати.**
- 4. Халқаро ишчи кучи миграцияси.**
- 5. Халқаро валюта- молия ва кредит муносабатлари.**
- 6. Халқаро иқтисодий интеграция.**

Халқаро иқтисодий муносабатлар (асосан савдо) жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин ҳам мавжуд бўлган. Масалан: Европа давлатлари ўртасида ХИМ, минтақалар (Европа- Шимолий Африка, Европа- Яқин Шарқ ва ҳ. К.) ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатлар. Бу муносабатлар минтақавий характерга эга бўлган. Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши (XVIII аср охири ва XIX аср бошлари) ва ривожланиши билан халқаро иқтисодий муносабатлар кенгайди ва чуқурлашиб, глобал характерга эга бўлди.

Замонавий жаҳон хўжалиги бу- бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсинувчи, ўзаро боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётлар бирлашмаси, глобал иқтисодий организмдир.

2. Жаҳон хўжалигининг ривожланиш босқичлари ва тенденциялари. Жаҳон хўжалиги ўзининг вужудга келиши ва ривожланишида узоқ ва қийин йўл босиб ўтди. Айрим тадқиқотлар унинг вужудга келишини Рим империяси даври билан боғлашади (эр. авв. ги II ва эрамизгача I асрлари). Бунда улар Рим империясини ўша вақтдаги бутунжаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. XVI асрлар, яъни буюк географик кашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан шу кашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металлар, ширинликлар ва қуллар билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон

хўжалиги чекланган бўлиб, фақат савдогарларнинг сармоялари ишлайдиган соҳа бўлган эди ҳалос.

Замонавий жаҳон хўжалиги саноат инқилобидан кейин, капиталнинг монополь босқичига ўтиши давомида вужудга келди.

XXI аср бўсағасидаги жаҳон хўжалиги- ўз миқёсига кўра глобалдир: у тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамоиллари, халқаро меҳнат тақсимотини объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда жаҳон хўжалигининг ривожланиш тенденцияларидан бири, бу кўплаб давлатларнинг бирин- кетин ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юз тутган иқтисодий очик типдаги хўжаликка ўтишидир. Айнан ана ўша даврда АҚШ олимлари “Очик савдо”, “Очик иқтисодиёт” деган тезислар билан чиқдилар. Бу аввало жаҳон бозорида ўз ҳукмронлигини ўтказиш билан боғлиқ эди. Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб ва янада бойиб чиққан АҚШ ҳукмати томонидан янги иқтисодий тартиб қўлланмалари таклиф этилди. Бундай “эркин савдо”, “очик иқтисодиёт” тезислари ҳукмрон иқтисодиётнинг камроқ ривожланган давлатларга қарши қаратилган курали, шунингдек америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансияга интилишлари эди.

Аммо урушдан кейинги йилларда дунёда ижтимоий- иқтисодий ҳолатнинг ўзгара бориши билан боғлиқ ҳолда “Очик иқтисодиёт” ҳақидаги тезис америка экспансионизмининг манфаатларига йўналтирилганликни йўқота бориб, жаҳон хўжалик алоқаларини йўқота бориб, жаҳон хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви маъносини ола бошлади.

3. Очик иқтисодиётнинг моҳияти. Жаҳон иқтисодиётида очик иқтисодиётни шакллантиришида давлат муҳим рол ўйнайди. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқишни рағбатлантириб, хорижий фирмалар билан корпорацияларга, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишига ёрдамлашиб, ўзига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясини олади. Чет элдан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот воситаларини оқиб келишини енгиллаштирувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Жаҳон иқтисодиётида ва ХИМ да “Эркин савдо” ва “Очик иқтисодиёт” тушунчаларини фарқлаш лозим. “Эркин савдо” ҳақидаги концепция А. Смитнинг сиёсий иқтисодиётдан бошланиб у ва замонавий америка иқтисодчиларининг кашфиёти эмас. “Очик иқтисодиёт” тушунчаси аслида ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валюталарнинг ўзаро алмашувининг эркин ҳаракатини ўз ичига олган товарлар савдоси кўринишида бўлиб, у “эркин савдо” тезисидан кенгроқ тушунчадир.

Очик иқтисодиётни автаркия, ўз- ўзини таъминлаш иқтисодиёти, ҳаддан ташқари ўз кучига суянишнинг антиподи сифатида ҳам тушуниш лозим. Очик иқтисодиётнинг вужудга келиши- бу жаҳон ривожланишининг объектив тенденциясидир. Очик иқтисодиёт тамоилларига мос равишда ҳаракат қилиш бу- жаҳон бозори стандартларини тан олиш, унинг қонунлари асосида ҳаракат қилишдир.

Очиқ иқтисодиёт ички бозорнинг чет эл капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучининг оқими учун ақлга тўғри келадиган даражада очиқлигини назарда тутди.

Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари қуйидагилардир:

-ишлаб чиқаришни ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашиши:

-ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш:

-халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши:

-жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.

Шаклланиббўлган очиқ иқтисодиёт ва очиқ иқтисодиётга ўтиш бир хил нарса эмас. Очиқ иқтисодиёт давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига назоратсизлик ва ҳамма нарса мумкин, чегаралар очиқ дегани эмас. Очиқ иқтисодиёт унинг ақлга сиғадиган даражада амалга ошириш механизмини шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашувини талаб қилади. Ҳеч бир мамлакатда иқтисодиётнинг мутлоқ (абсолют) очиқлиги йўқ.

Очиқлик миқдорининг биринчи даражали қаторига экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозори билан алоқаларининг миқёси ҳақида тушунча беради. Шундай қилиб, экспортнинг ЯИМ га муносабати экспор квотаси сифатида аниқланади:

$$\text{Эк} = \text{Э} / \text{ЯИМ} * 100 \%$$

бу ерда Эк- экспорт квотаси, Э- экспорт ҳажми.

Агар Эк 10% бўлса, иқтисодиётнинг очиқлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиёт очиқлигининг бошқа кўрсаткичи импорт билан ЯИМ муносабатидан келиб чиқувчи импорт квотаси кўрсаткичидир:

$$\text{Ик} = \text{И} / \text{ЯИМ} * 100 \%$$

бу ерда Ик- импорт квотаси, И- импорт ҳажми.

Очиқликнинг комплекс кўрсаткичларидан бири деб, одатда ташқи савдо квотаси кўрсатилади:

$$\text{ТСк} = \text{ТС} / \text{ЯИМ} * 100 \%$$

бу ерда ТСк- ташқи савдо квотаси, ТС- ташқи савдо айланмасининг ҳажми.

Бу кўрсаткичнинг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг ҳасобга олинмаганлигидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатиб берилган коэффициент ва кўрсаткичлар ҳар доим ҳам иқтисодиёт очиқлигининг ҳолатини тўлиқ кўрсата олмайди. Масалан, ташқи савдо квотаси маълум маънода иқтисодиёт очиқлигини намоён қилса ҳам, унинг синтетик кўрсаткичи бўла олмайди. Ташқи савдо квотаси асосан давлатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштирокини кўрсатади. Бу эса очиқ иқтисодиёт тушунчасининг бир қисми ҳолос. Иқтисодиёт очиқлиги кўрсаткичи эса мураккаброқ комплекс тушунчадир.

4. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш ҳусусиятлари. Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси қуйидагиларни кўрсатади:

-жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоти даражасининг чуқурлигини:

-анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг ўзгарганлигини (у кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан- тўғри хизмат қила бошлайди):

-капитал миграциясининг интенсивлашганлигини:

-илмий- техник битимлар алмашувининг тезлашганлигини ва шунингдек хизматлар соҳасининг ривожланганлигини:

-ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада ўсганлигини (халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро хўжаликнинг байналминаллашувининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда):

-давлатлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг тезлашуви ва кенгайишини.

-саноати ривожланган давлатларнинг савдо, ишлаб чиқариш ва кредит молия соҳасида эришилган ютуқлар даражаси жаҳон хўжалигининг шаклланишини кўриниши бўлиб хизмат қилади. Унинг иштирокчилари давлат чегараларининг мавжудлигига қарамай умумий хўжалик тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатадилар. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви тушунчаси ортида алоҳида давлатларни глобал жаҳон мажмуига бирлаштирувчи кўп даражали жаҳон хўжалик алоқалари тизимининг самарали ишлаши туради.

Байналминаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ўсиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлигини характерлайди. XX асрда айирбошлашнинг байналминаллашуви капитал ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига айланди. ИТИ таъсирида ривожланишда сезиларли туртки олади (XX аср 50- йилларнинг ўрталари). Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси кескин ўсди. Йирик миқёсда ихтисослашган ишлаб чиқариш учун ички бозорлар доираси торлик қила бошлаб, у объектив равишда миллий чегаралардан чиқа бошлайди.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви шундай ҳолатни юзага келтирадики, у ҳар қандай мамлакат учун “шахсий ишлаб чиқаришга” эга бўлиш фойдасиз бўлиб алоҳида миллий иқтисодиётлар эса янада кўпроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашадилар. Ишчи кучи ҳаракати, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар билан алмашиш янада байналминал характерга эга бўлади.

Ушбу алоқа ва ривожланишнинг истиқболи шаклланиш қонуниятларини текшириш шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон хўжалигини ривожланишининг асосий тенденцияси бўлиб капитал, товар ва хизматларнинг ягона планетар бозорини ташкил қилиш ва алоҳида давлатларни ягона жаҳон хўжалиги мажмуига бирлаштиришга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бу эса глобал иқтисодиёт масалаларини халқаро

иқтисодий муносабатларнинг бошқача қилиб айтганда, юқорироқ даражасидир.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ да глобализация феноменини икки томонлама, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада кўриб чиқиш мумкин. Макроиқтисодий даражада глобализация- бу, давлатлар ва алоҳида минтақаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият кўрсатишга бўлган умумий интилишлар тушунилади. Бундай интилишларнинг кўринишлари либерализация, савдо ва инвестицион тўсиқларнинг олиб ташланиши, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил этиш ва ҳ. к. лар ҳисобланади. Микроиқтисодий даражадаги глобализация эса корхона фаолиятининг ички бозор чегараларидан ташқарида кенгайиши тушунилади. Тадбиркорлик фаолиятининг миллатлараро ёки кўпмиллий йўналганлигидан фарқли равишда глобализация жаҳон бозори ёки “жаҳон училиги” (Шимолий Америка, ғарбий Европа, Япония) бозорларини ўзлаштиришда ягона ёндашиш тушунилади.

Назорат саволлари.

1. Жаҳон ҳўжалиги нима?
2. ХИМ тизимиға нималар киради?
3. Жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг босқичларини тавсифлаб беринг.
4. “Автаркия” нима?
5. Мамлакатларнинг “очиқлиги” қандай кўрсаткичлар бўйича белгиланади?
6. “Очиқ иқтисодиётнинг” мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг?
7. Глобаллашув нимани англатади?
8. Ташқи савдо квотаси нимани англатади?

№2 Мавзу: Халқаро савдо назариялари. Халқаро савдонинг географик ва товар таркибидаги ўзгаришлари.

Режа.

1. Халқаро савдо назариялари.
2. Халқаро товар номенклатураси.
3. Халқаро савдонинг географик ва товар таркибидаги ўзгаришлари.
4. Халқаро савдо: нарх белгилаш ва ташқи савдо баланси.

Таянч атамалар: Товарларнинг ҳаётий цикли назарияси, мутлоқ устунлик назарияси, нисбий устунлик назарияси, ташқи савдо тамоиллари, товарлар номенклатураси, ташқи савдо баланси.

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Bizning bosh maqsadimiz-jamiatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir ”, -Toshkent: “O‘zbekiston”. 2005 y.
2. Karimov I. A. “Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohatlarni chuqurlashtirish-eng muhim vazifamiz”, - Toshkent: “O‘zbekiston” 2000 y.
3. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O‘zbekistonda uni bartaraf etishning yo‘llari va choralari ” Toshkent: “O‘zbekiston” 2009 yil.
4. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
5. Ливенцев Н. Международные экономические отношения. Учеб. Москва. 2005 г.
6. Nazarova G. G, Xaydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O‘quv qo‘llanma. Toshkent: 2002 yil.
7. Shodmonov Sh. , G‘afurov “Iqtisodiyot nazariyasi” Toshkent: “Moliya” 2005 yil
8. Usmonov A., Sangirov O‘. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma'ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
9. [www. gov. uz](http://www.gov.uz)
10. devdata. www.worldbank.org-data-query-.url

1. Халқаро савдо назариялари. XVI – XIX асрлар давомида буюк саноат тўнтарилиши ва яхлит миллий давлатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ равишда ташқи савдо операциялар ҳажми ва номенклатурасининг сезиларли кенгайиш жараёни иқтисодчилар олдида халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий кўринишларидан бири саналган халқаро савдони назарий асослаш муаммосини қўйди.

Сиёсий иқтисоднинг асосчиларидан бири шотланд профессори А. Смит ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқотлар” деб номланган машхур китобида мамлакатлар ўртасидаги савдонинг назарий моделини яратишга катта эътибор берди, мамлакатлар географик жойлашувининг ҳар- хиллиги натижасида у ёки бу товарларни ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлмаслиги туфайли юзага келадиган халқаро меҳнат тақсмоти бу моделнинг асосини ташкил этади. Бунда бирор мамлакат хориждан ички нархга нисбатан паст нархда товар сотиб олар

экан, ўз мамлакатада маълум устунлик натижасида ишлаб чиқариш арзон тушадиган товар тайёрлашни мақсад қилади. Демак, мамлакатларнинг камроқ харажатлар билан бирор- бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви шу мамлакат учун қўшимча фойда келтиради.

Д. Рикардонинг нисбий устунлик назарияси.

Инглиз иқтисодчиси Д. Рикардо “Сиёсий иқтисод асослари ва солиққа тортиш” асарида А. Смит тамоилини ривожлантирар экан, мутлоқ устунлик янада умумийроқ моделнинг хусусий холи эканлигини кўрсатиб берди. Бу модел нисбий устунлик модели номини олди.

Мамлакатларнинг ихтисослашуви нисбий устунликда яъни энг кам харажатларга эга бўлганда юзага чиқади.

Хекшер- Олин- Самуэльсоннинг ташқи савдо тамоиллари.

XX асрнинг 30- йилларида швед олимлари Э. Хекшер ва Б. Олин томонидан индустриал жамиятда халқаро савдо ҳажми ва номенклатурасига таъсир этувчи турли туман олимларнинг тадқиқ этиши Рикардо назариясини тўлдириш ва асосий жиҳатларини аниқлаштириш имконини берди. Кейинчалик бу тамоилнинг математик аппарати америкалик иқтисодчи П. Самуэльсон томонидан ишлаб чиқилди.

2. Халқаро товар номенклатураси. Жаҳон бозорининг вужудга келиши цивилизациянинг индустриал кўринишга хос замонавий товар номенклатурасининг шаклланишига олиб келди. XX асрнинг сўнги 10 йиллигида мамлакатлар, ҳудудлар ва интеграцион гуруҳлар ўртасидаги товарлар, хизматлар, ахборот ва технологиялар айрибошlashда глобал ўзгаришлар рўй берди. Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси маълум бир класификацион белгилар яъни экспорт ва импорт моддалари бўйича товар гуруҳларининг мезонлари билан тавсифланади. Улар ичида энг кенг тарқалганлари қуйидаги товар мезонларидир.

-ишлаб чиқариш соҳаси бўйича:

-маҳсулотларни қайта ишлаш даражаси бўйича:

-вазифаси бўйича:

-тайёрланган материали бўйича:

Ўз- ўзидан маълумки, қайси белгининг танланиши класификация схемасига таъсир этади, барча товарлар маълум шрифга эга бўлган бўлимлар, гуруҳлар ва кичик гуруҳларга бўлинади. Шундай қилиб, товар номларининг мос классификацион тизимдаги рўйхати товарлар номенклатураси деб аталади.

3. Халқаро савдонинг географик ва товар таркибидаги ўзгаришлари.

Халқаро товарлар ва хизматлар савдоси миллий хўжаликлар ўртасида тўпланадиган жами товарлар айланмаси кўринишидаги меҳнат маҳсулотларини айрибошlashнинг ўзига хос формаси сифатида намоён бўлади. Бунда давлат ва хусусий компаниялар, халқаро ташкилотлар, айрим ҳолларда жисмоний шахслар ҳам жаҳон бозорида асосий субъектлар сифатида қатнашади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ташқи савдосини миқдорий ва сифат характеридаги кўрсаткичлар белгилайди. Халқаро савдонинг асосий таркибий қисми товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади.

Санаб ўтилган товарлар ҳаракати, келиб чиқаши ва белгиланган миқдорига кўра, қуйидагиларни ўз ичига олади.

-ҳамкор мамлакатларда амалга оширилган, ўзаро истеъмолга мўлжалланган оддий товарлар олиб кириш ва олиб чиқиш:

-учинчи мамлакатларга товарлар реэкспорт реимпорти:

-Кўргазма, ярмарка, салон кабиларда намойиш қилиш учун товарларни вақтинча олиб кириш ва олиб чиқиш:

-хом ашё ва ярим фабрикаларни реэкспорт- реимпорт қилиш мақсадида учинчи мамлакатга олиб чиқиш ва қайта ишлаш ёки олиб чиқилган мамлакатга қайтадан олиб кириш:

-фирма ичида товар ва хизматларни ТМКларнинг доирасида кўчирилиши (трансферт)

Кейинги 50 йил давомида жаҳон савдо айланмаси 14 мартадан кўпроқ ўсди.

Жаҳон савдосининг умумий қиймати 1997 йилда 6,6 трлн. долларга тенг бўлди. Унинг 5,3 трлн. доллари (80,3 %) товарлар, 1,9 трлн. доллари (19,7 %) хизматларга тўғри келган. 2002 йилга келиб жаҳон савдосининг умумий қиймати 13 трлн. долларга етди.

4. Халқаро савдо: нарх белгилаш ва ташқи савдо баланси. Бирор- бир товарга нарх белгилаш механизмига бозорда ана шу товар учун рақобат муҳитининг бор- йўқлиги энг кўп таъсир кўрсатади. Мана шу кўрсаткичга асосан қуйидаги халқаро бозор рақобатларини фарқлай олиш керак.

-мукаммал (соф) рақобат:

-тўлиқ монополия:

-монополистик рақобат:

Жаҳон нархларини ҳисоблашнинг энг кенг тарқалган усуллари, бу тўлиқ харажатлар услуги ва тўғри харажатлар усули саналади.

Жаҳон нархлари турли ўзаро боғлиқ вазифаларни бажаради ва уларнинг мураккаб мажмуасини ташкил этади. Шулардан жаҳон нархларининг энг муҳим вазифалари қуйидагилар ҳисобланади.

1. Индикатив вазифа- бозор конъюнктурасини баҳолаш имконини беради.

2. Коммуникатив вазифа- бозор субъектлари: ишлаб чиқарувчи экспортёр, воситачи, истеъмолчи ўртасида алоқани амалга оширади.

3. Дистрибьютив вазифа- бозор субъектлари даромадларини тақсимлаш имконини беради.

4. Рағбатлантириш вазифаси- давлат ва компанияларнинг экспорт импорт сиёсатини ўзгартиришга ёрдам беради.

5. Соғломлаштириш вазифаси- маҳсулотлари эҳтиёжларни қондира олмайётган компанияларнинг бозордан кетишига, бозор

конъюнктурасига мослаша олган фирмалар гуллаб яшнашига олиб келади.

Назорат саволлари.

1. Мутлоқ устунлик назариясининг мазмуни нимадан иборат ?
2. Нисбий устунлик назариясининг мазмуни нимадан иборат ?
3. Хекшер- Олин- Самуэльсоннинг ташқи савдо тамоиллари мазмуни ва моҳияти нимадан иборат?
4. Халқаро товар номенклатураси.
5. Халқаро савдонинг географик ва товар таркибидаги ўзгаришлари.
6. Нарх белгилаш усуллари.
7. Ташқи савдо баланси.
8. Товарларнинг ҳаётий цикли назарияси.
9. Халқаро нархларнинг вазифалари нималардан иборат ?

№3 Мавзу: Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш.

Режа.

1. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш.
2. Тарифли ва тарифсиз чеклашлар.
3. Божхона божлари ва божхона тарифлари.
4. Эркин савдо ва Протекционизм.

Таянч иборалар: протекционизм, эркин савдо, тарифли ва тарифсиз чеклашлар, божлар, божхона тарифи,

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Bizning bosh maqsadimiz-jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir ”, -Toshkent: “O’zbekiston”. 2005 y.
2. Karimov I. A. “Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohatlarni chuqurlashtirish-eng muhim vazifamiz”,- Toshkent: “O’zbekiston” 2000 y.
3. Karimov I. A. “Узбекистан по пути углубления экономических реформ” , Тошкент: “Узбекистан”1996 y.
4. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekistonda uni bartaraf etishning yo’llari va choralari ” Toshkent: “O’zbekiston” 2009 yil.
5. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
6. Usmonov A., Sangirov O’. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma’ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
7. O’zbekiston iqtisodiy axborotnomasi.
8. Sh. Ergashev, T. Bobomatov, N. Tursunov va boshqalar. “Jahon mamlakatlari” Toshkent: “Sharq” 2007 yil
9. www.worldbank.org
10. www.gov.uz
11. devdata. www.worldbank.org-data-query-.url

I. Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо сиёсати ҳукумат олиб бораётган умумиқтисодий йўналишларнинг муҳим таркибий қисми саналади, янада торроқ маънода эса экспорт-импорт товар оқимларининг ҳажми, товар таркиби ва географик йўналишларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бюджет-солиқ фаолиятининг соҳаларидан биридир. Унинг асосий вазифаси мамлакат ичкарасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва миллий бойликни кўпайтириш учун зарур бўлган қулай ташқи иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш ҳисобланади.

Бугунги кунда ташқи иқтисодий сиёсат икки асосий тамоилга асосланади.

1. Очиқ типдаги иқтисодиётга, яъни ташқи савдони эркинлаштиришга ўтиш.

2. Протекционистик чора тадбирларни амалга ошириш.

Ташқи иқтисодий фаолият юзасидан давлатнинг товар оқимларига таъсирини табиатига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилувчи иккита асосий типга ажратиш мумкин.

1. Иқтисодий усул. (божхона божлари, божлар, йиғимлар, солиқлар)

2. Маъмурий усул (квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картель)

Амалда иқтисодий усуллар кенг тарқалган, чунки улар бирданига 3 хил вазифани ҳал қилишга имкон беради.

1. Фискал-бюджет учун қўшимча маблағлар олиш.

2. Рағбатлантирувчи-хорижий ҳамкорлар билан алоқани ривожлантириш.

3. Протекционистик-ички ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароит яратиш

II. Иқтисодий усуллар ичида энг кенг тарқалгани тарифлар ҳисобланади, аммо қуйида тариф кўринишидаги бошқа чеклашлар-билвосита (эгри) солиқлар ва йиғимлар ҳақида гап боради.

Эгри солиқларга биринчи навбатда, экспорт импорт операцияларига солинадиган солиқлар киради, бунда чет эл товарларини мамлакатга олиб кирганда ва миллий маҳсулотларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқаётганда миллий божхона ҳудуди чегарасида солиққа тортилади. Демак бундай ҳолатда акциз солиқлари қўлланилади ва уларнинг миқдори қуйидагича аниқланади.

$$A = T_{ст} * A_k$$

A- акциз миқдори.

Tс- товарнинг импорт қилинаётган мамлакатдаги қийматига мос келувчи божхона қиймати.

Aк- белгиланган акциз коэффиценти (ставкаси)

Бундан ташқари 60-йил божларида Францияда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) олиш амалиётга жорий этилган. Бу импорт товарларнинг божхона қийматига божхона божи ва акцизини қўшган ҳолда 10-20 % ли солиққа тортишни назарда тутган.

Одатда акциз белгиланувчи буюмлар рўйхатига оммавий талабга эга бўлган айрим товарлар (алкогол, тамаки) маҳсулотлари, зеб-зийнат буюмлари (мўйна, заргарлик буюмлари) ва махсус сифатга эга маҳсулотлар (осетр ва ласось балиғи икриси) кабилар киритилган. ҚҚС-дипломатик миссия, гуманитар ёрдамга мўлжалланган товарлар, нагирон ва болаларга аталган баъзи буюмлар турига, шунингдек кўргазмали экспонатлари ва бошқа айрим маҳсулотлар учун тўланмайди. Бундан ташқари ҚҚС товарлар транзити, реэкспорти ва эркин иқтисодий ҳудудга олиб киритилганда олинмайди.

III. Хорижий мамлакатлар билан савдони давлат томонидан тартибга солишнинг 50 дан ортиқ маъмурий тури мавжуд .

Улар ичида энг кенг тарқалгани квоталардир .

Эмбарго –бу усул бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдо операцияларини бутунлай таъқиқлашни билдиради. Одатда сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда бутун ёки маълум бир гуруҳдаги товарлар экспорти ёки импортининг чекланишини назарда тутди. XX асрда савдони тартибга солишнинг бундай усулига етарли даражада мисоллар келтириш

мумкин. Масалан, БМТ қарорига кўра Ироқ, қисман Югославия, Ливан, Эрон ва айрим давлатларга нисбатан амалга оширилмоқда.

Лицензиялаш – махсус рўйхатга киритилган ресурслар ва маҳсулотлар билан ташқи савдони амалга оширишда рухсат бериш ваколатига эга бўлган давлат ташкилотлари томонидан рухсатнома бериши орқали амалга оширилади. Кўпчилик давлатлар ташқи савдони лицензиялашда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Бундай ҳужжатларга 1947 йилда имзоланган **“Савдо ва тарифлар бўйича бош битим”** (ГАТТ-General Agreement on Trade and Tariffs-GATT) мисол бўлади.

Европа иттифоқ (ЕИ) га аъзо мамлакатлар орасида экспорт –импорт операцияларини лицензиялаш товар айланмаси умумий ҳажмининг 5-6 % даражасига етади (квоталаш ва лицензиялаш бўйича ўзига хос лидер Франция ҳисобланади). Лицензиялаш талаб этадиган товарларга стратегик аҳамиятга эга товарлар ва ресурслар, дори-дармонлар, болаларни озиқлантириш ассартименти ва бошқалар киради.

Маъмурий характердаги тарифлар, усуллар гуруҳига яна тўхталадиган бўлсак, улар қаторига турли туман техник стандартлар ва сифат сертификати, санитария ва экологик хавфсизлик стандартлари, қадоклаш ва маркировкалашга қўйиладиган талаблар товар ва бошқаларни божхона тозаловидан ўтказиш бўйича ҳаракатлар мажмуаси кабилар киради.

Божхона божи –иқтисодий моҳияти жиҳатидан товар давлат чегарасидан ўтаётганда олинadиган махсус пул йиғими, солиқни билдиради. Божхона божини жорий этишдан асосий мақсад бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш вағирром рақобат билан курашишдир.

Товар оқимларининг йўналишига боғлиқ равишда **импорт, экспорт ва транзит божлари** мавжуд.

Импорт божлари- ҳаракат механизми импорт товарлар миллий бозордаги нарҳини ўртача жаҳон баҳосидан кўтаришдан иборат.

Ички нарх = жаҳон нархи + (жаҳон нархи * тариф ставкаси)

Ҳозирги пайтда **экспорт божи** анча кам қўлланилади. Улардан деярли барча ривожланган давлатлар воз кечган, чунки уларни жорий қилиш жаҳон бозорида маҳсулот нарҳининг ошишига сабаб бўлади. (АҚШ да экспорт божларини қўллаш қонун билан ман этилган).

Транзит божлар- мамлакат ҳудудини кесиб ўтувчи товарлардан олинади, ва улар транзит йиғимлар кўринишига эга.

Божхона божига тортишнинг икки асосий усули мавжуд.

1. Махсус бож- бунда бож миқдори, товарнинг оғирлиги, ҳажми, миқдори бирлигидан белгиланган сумма сифатида ўрнатилади (масалан: автомобил дивигателидан, 1см³дан).

$$МББ=ТБҚ*МТС$$

МББ- махсус божхона божи.

ТБҚ –товарнинг божхона қиймати.

МТС- махсус тариф ставкаси.

2. **Адвалор божлар** (лотинча advalorem-қийматдан), бунда божхона божи сотувчи томонидан қайд этилган товар қийматидан фоиз кўринишида аниқланади.

$$АББ = ТБҚ * (1 + АТС)$$

АББ –адвалор божхона божи.

ТБҚ – товарнинг божхона қиймати.

АТС –адвалор тариф ставкаси.

Миллий божхона божларининг тартиблаштирилган реестри (рўйхати) тариф деб аталади.

Божхона тарифларининг шаклланишида асосий принцип- товарни қайта ишлаш даражасининг ошиб бориши билан тариф ставкасининг ортишидир.

IV. Эркин савдо сиёсати (инглизча фритредлик- freetrade) иқтисодий ҳаётнинг бир ҳодисаси сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Унинг назарий модели А. Смитнинг машхур “Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари” асарида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фритредлик назарияси бошқа инглиз иқтисодчиси Д. Рикардо асарларида ривожлантирилди ва деярли ниҳоясига етказилди. XIX асрнинг иккинчи ярмигача Эркин савдо сиёсати Буюк Британия ва унинг доминионлари бўлган давлатлар иқтисодиётида кузатилди. Лекин ҳозирги кунга келиб фритредлик тизимининг классик кўринишига эга бўлган бирорта давлат қолмади. Бироқ фритредлик сиёсатининг унсурлари айрим мамлакатларда сақланиб қолди. (Масалан: оффшор ҳудудлар, эркин иқтисодий ҳудудлар)

Протекционизм сиёсати инглизча, protection- ҳимоя, ҳомийлик деган маънони англатади, яъни миллий иқтисодиётни ички ва ташқи бозор тамоилларининг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан жорий этиладиган иқтисодий ва маъмурий чора тадбирлар тизимига қарама-қарши қўйилади. Протекционизм ўз моҳиятига кўра илк давлатлар шаклланган пайтдан буён мавжуд. Бу сиёсатнинг принциплари назарий жиҳатдан Америкалик давлат арбоби Гамильтон (XVIII аср) ва таниқли немис иқтисодчиси Ф. Лист (XIX аср) асарларида ишлаб чиқилган.

Протекционизм сиёсати ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга.

Ижобий томонлари.

-иқтисодиётнинг янгидан шаклланаётган соҳаларини қудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш.

-жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган эски соҳаларни қўллаб қувватлаш.

-демпинг ва хорижий рақобатнинг бошқа ноҳалол усуллари билан курашиш.

-жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишнинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш.

-бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш.

Салбий томонлари.

-аҳоли турмуш даражасида соф йўқотишларнинг ортиб кетиши.

-миллий иқтисодиётда носамара соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши каби томонлари билан характерланади.

Назорат саволлари.

1. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий тамоиллари?
2. Протекцион ва фритредлик сиёсатининг мазмуни ?
3. Ташқи савдони тартибга солишнинг иқтисодий усули?
4. Ташқи савдони тартибга солишнинг маъмурий усули?
5. Божхона божига тортишнинг асосий усуллари.
6. Эркин савдо сиёсати
7. Протекционизм сиёсатининг ижобий ва салбий томонлари

№4 Мавзу: Ташқи савдони давлатлараро тартибга солиш.

Режа.

1. Давлат учун протекционизмнинг тактик ва стратегик оқибатлари.
 2. Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг моҳияти ва кўринишлари.
 3. Товарлар ва тарифлар бўйича бош келишувлар ва унинг халқаро савдони тартибга солишга таъсири(ГАТТ, УСТ).
 4. Халқаро товар айрибошлаш битимлари.
- ҳимоялаш ҳужжатларини бериш учун тўлов ва бадаллар.

Таянч иборалар: КОКОМ фаолияти, ГАТТ ташкилоти, УСТ ташкилоти, Божхона иттифоқи, МДҲ.

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Ўзбекистан по пути углубления экономических реформ” , Тошкент: “Ўзбекистан”1996 у.
2. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekistonda uni bartaraf etishning yo'llari va choralari ” Toshkent: “O'zbekiston” 2009 yil.
3. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 у.
4. Авдокушин Е. Ф. “Международные экономические отнош.” Учебник. Москва: 2002 г.
5. Ливенцев Н. Международные экономические отношения. Учеб. Москва. 2005 г.
6. Nazarova G. G, Haydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O'quv qo'llanma. Toshkent: 2002 yil.
7. Usmonov A., Sangirov O'. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma'ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
8. O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi.
9. www.worldbank.org
10. www.gov.uz

I. Протекционистик чора-тадбирларни жорий қилишдан ишлаб чиқарувчилар маълум миқдорда фойда кўрадилар. Сабаби миллий компанияларнинг ички бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлари божхона солиғидан озод бўлганлиги сабабли унинг нархи импорт қилинаётган ана шундай товардан сезиларли даражада паст бўлиши мумкин, бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектлар янги технологиялар, ҳом-ашё ва материалларни тежаш ҳисобига харажатларни камайтириш заруриятига эҳтиёж сезмайди. Амалда импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган соҳалардаги миллий фирмалар ўз товарларини импорт тарифига яқин нархларда сотади, натижада кўшимча фойда кўради. Миллий компаниялар даромадларининг ўсиши ва миллий ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг сабабларидан бири ана шунда.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида чеклашлар сиёсатини кенг кўламда ва фаол амалга ошириш давлатга қисқа муддатли мувофақият олиб келиши

мумкин. Бу ютуқларни қуйидаги жиҳатлар билан боғлаш мумкин: миллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, бож, солиқ, йиғимлар ҳисобига бюджет даромадининг кўпайиши, иқтисодий хавфсизлик ва мудофа қобилятининг таъминланиши.

Бироқ ҳақиқатда эса, бу тактик устунликлар стратегик, яъни узоқ муддатли истиқболдан келиб чиқсак, қарама-қарши томонга ўзгаради. Давлатнинг тариф миқдорига кўпайтирилган импорт миқдорига тенг иқтисодий ютуғи истеъмолчилар томонидан давлат фойдасига трансферт тўлов ҳисобланади. Бундан ташқари, бошқа мамлакатларнинг протекционистик жавоб тадбирларини ҳам унутмаслик лозим. Бу тадбирлар туфайли ташқи товар айланмаси камайиб кетади, натижада иш жойлари қисқаради, охир-оқибат бир қатор компанияларнинг махсулотлари миллий бозордан арзонроқ ва сифатсизроқ товар ишлаб чиқарувчи бошқа компаниялар товарлари фойдасига суриб чиқарилади.

Протекционистик чора- тадбирларни вақтинча жорий этиш аҳолини аксарият қисмининг турмуш даражаси пасайиши ҳисобига ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг даромадларини оширишни кўллаб қувватлайди. Бу узоқ муддат давом этса, миллий бойлик камаяди ва мамлакатнинг ХИМ даги мавқеи кучсизланади.

II. ХИМ нинг ривожланиши ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишгина эмас, балки кейинги 10 йилликларда бу соҳада турли туман давлатлараро ўзаро алоқа кўринишларининг вужудга келиши билан биргаликда кузатилмоқда. Бу тамоил бир неча сабабларга асосланади.

-хўжалик ҳаётининг байналмиллашувининг чуқурлашуви:

-товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари жаҳон бозорининг кенгайиши:

-трансмиллий компанияларнинг ривожланиши:

-кўплаб жаҳон ташкилотларининг пайдо бўлиши:

Бунинг натижасида бир мамлакатнинг тартибга солиш тадбирлари бошқа давлатнинг иқтисодиётига беъвосита таъсир кўрсатади ва улар ҳам ўзларининг истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш мақсадида жавоб тадбирларини кўради, бу ҳолат тартибга солиш жараёнини давлатлараро миқёсда мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Мослаштириш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилади.

а). Икки томонлама шартномалар:

б). Ҳудудий характердаги кўп томонлама битимлар:

в). Глобал характердаги кўп томонлама конвенциялар асосида амалга оширилиши мумкин:

ТИФ ни тартибга солиш усулларини мувофиқлаштиришнинг икки кўринишини ажратиш мумкин.

1. Товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш.

2. Миллатлараро институтлар билан яхлит иқтисодий тизимнинг шаклланиши йўналишида ҳаракат қилади.

ТИФ ни мувофиқлаштиришнинг кўрсатиб ўтилган ҳар икки кўринишини кўпинча иқтисодий интеграция тушунчаси билан бирлаштирилсада, иқтисодий интеграция том маънода фақат давлатларнинг хўжалик сиёсатини мослаштиришнинг иккинчи вариантыга мос келади.

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг биринчи кўринишини божхона иттифоқларининг шаклланиши мисолида кўриб чиқамиз

Божхона иттифоқи- Ҳукукий нуқтаи назардан икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида ўзаро ва учинчи мамлакатга нисбатан соддалаштирилган солиқ сиёсатининг ўтказилишини акс этади.

Иқтисодий нуқтаи назардан эса божхона иттифоқларини ташкил этиш, бу ягона иқтисодий маконни шакллантириш ва бу макон доирасида ҳар қандай божхона чегараларини бартараф этишни англатади.

ТИФ ни давлатлараро тартибга солишнинг бу кўриниши Божхона иттифоқи қатнашчилари ўртасида божсиз савдонигина эмас, балки унинг ташқи чегараларида мувофиқлаштирилган тарифни жорий қилишни ҳам назарда тутди. Божхона иттифоқининг эркин савдо ҳудудидан фарқи ҳам ана шунда.

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг бошқа кўринишига **Экспорт назорати бўйича мувофиқлаштирувчи комитет** (КОКОМ) фаолиятини мисол келтириш мумкин.

КОКОМ- 1949 йилда ташкил қилинган. Экспорт назорати бўйича мувофиқлаштирувчи халқаро комитет дастлаб Ғарб давлатларига душман саналган мамлакатларга экспорт қилиш тақиқланган стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган товарларнинг мувофиқлаштирилган рўйхатидан фойдаланган. Кейинчалик социалистик лагерда юз берган демократик ўзгаришлар КОКОМ ни ўз фаолиятининг асосий йўналишини ўзгартиришга мажбур этди ва КОКОМ сафига бир қатор собиқ социалистик давлатлар қўшиб олинди.

1993 йилнинг охирига келиб, КОКОМ янги сиёсий ва иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиб қайтадан ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

III. ва IV. 1947 йил 30 октябрда савдо ва тарифлар бўйича вақтинчалик халқаро акт қабул қилинди. Унинг тўлиқ номи **“Савдо ва тарифлар бўйича бош битим”** (ГАТТ-General Agreement on Trade and Tariffs-GATT).

1948 йил 1 сентябрда 23 давлат томонидан Савдо ва тарифлар бўйича бош битим имзолангандан кейин халқаро битим кучга кирди. ГАТТ таркибига собиқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг киришига йўл қўйилмаган. ГАТТ- Савдо ва тарифлар бўйича бош битим ташқи савдо операцияларини ўтказишда белгиланган тамоилларга амал қилишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халқаро акт ҳисобланиб келишув имзоланган пайтдан бошлаб, барча жорий ишларни бажариш *секретариатга* юкланган. *Секретариат* Женевада жойлашган бўлиб бир йилда бир марта анжуманлар-сессиялар ўтказар эди. Булардан ташқари ГАТТ тарихида “раунд”лар номини олган кўп томонлама маслаҳатлар ўтказилади.

Уругвай раунди номи билан тарихга кирган раундда 125 мамлакат катнашди ва у ўзига хос муҳим аҳамият касб этди. Унда энг кўп вакиллар иштирок этди, музокаралар вақти энг узок давом этди (97 ой). Раунднинг аниқ натижалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Умумжаҳон савдо ташкилотини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.
- ГАТТ ни Савдо ва хизматлар бўйича Бош келишув билан тўлдириш (ГАТС).
- УСТ учун жуда муҳим бўлган учинчи хужжат- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича консенсусга эришиш.
- Ривожланган мамлакатлар томонидан кўпчилик рақобатбардош товарларга божхона божларини тўлиқ бартараф этиш ёки радикал қисқартириш (5 фоизгача).
- Кўпчилик божхона божларини соддалаштириш (масалан, божхона божини ҳисоблаш учун асос сифатида товар фактурасида қайд этилган нархдан фойдаланишга қарор қилинди).
- Экспортга субсидиялар беришни таъқиқлаш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга тўловлардан ташқари).

Бу барча масалалар Уругвай раундининг- Монтевидео Анжуманининг якуний хужжатида ўз аксини топди. Бу анжуман янги аср бўсағасида жаҳон савдосини ислоҳ қилиш йўллариини белгилаб берди.

Шундай қилиб кўп томонлама маслаҳатлар охирги раундининг барча иштирокчилари қарорига кўра Умумжаҳон савдосининг ягона ҳуқуқий ва институционал асоси деб тан олинади ва 1994 йилда Умумжаҳон Савдо Ташкилоти (УСТ- **World Trade Organization (WTO)**) га асос солинади.

Бу икки ташкилот бир бирига ўхшашига қарамасдан, улар орасида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд.

1. **ГАТТ** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Махсуслаштирилган ташкилот” деган алоҳида статусига эга эмас эди. **УСТ** бу статусни олди.

2. **ГАТТ** вақтинчалик қоидалар мажмуаси кўринишидаги давлатлараро келишувни акс эттирар эди. **УСТ** эса тўлақонли ва доимий мажбуриятларга эга ҳамиша ҳаракатда бўлган ташкилот ҳисобланади.

3. **ГАТТ** қоидалари фақат товарлар савдосига тааллуқли эди, **УСТ** эса хизматлар, интеллектуал мулк, сифат ва экология стандартлари ҳамда ташкилот аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар билан ҳам шуғулланади.

1995 йилда ўз ўрнини УСТ га бўшатиб берган ГАТТ фаолиятига яқун ясар эканмиз, у ТИФ ни эркинлаштириш жараёнида , товар оқимлари номенклатурасининг кенгайиши ва ҳажмининг ошишида муҳим аҳамият касб этди ҳамда ташқи савдо соҳасидаги энг обрўли ташкилотга айланди.

Назорат саволлари.

1. Протекционизмнинг тактик оқибатлари.
2. Протекционизмнинг стратегик оқибатлари.

3. Ташки савдони давлатлараро тартибга солишнинг моҳияти ва кўринишлари.
3. Товарлар ва тарифлар бўйича бош келишувлар ва унинг халқаро савдони тартибга солишга таъсири(ГАТТ, УСТ).
4. Халқаро товар айрибошлаш битимлари.

№5 Мавзу: Халқаро капитал миграцияси.

Режа.

1. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари.
2. Тўғри ва портфель инвестициялар.
3. Капитал экспортининг географик тузилмаси. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва аҳамияти.
4. Халқаро кредит. Қарздорлик инқироzi ва уни бартараф этиш йўллари.
5. Капитал экспорти назариялари.

Таянч иборалар: капитал бозори, тўғри инвестициялар, портфель инвестициялар, инвестицион муҳит, халқаро кредит, монетаризм назарияси, харид қобилияти паритети назарияси, трансмиллий корпорациялар, эркин савдо ҳудудлари.

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Bizning bosh maqsadimiz-jamiatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir ”, -Toshkent: “O’zbekiston”. 2005 y.
2. Karimov I. A. “Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohatlarni chuqurlashtirish-eng muhim vazifamiz”, - Toshkent: “O’zbekiston” 2000 y.
4. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekistonda uni bartaraf etishning yo’llari va choralari ” Toshkent: “O’zbekiston” 2009 yil.
3. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
4. Ливенцев Н. Международные экономические отношения. Учеб. Москва. 2005 г.
5. Nazarova G. G, Haydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O’quv qo’llanma. Toshkent: 2002 yil.
6. Usmonov A., Sangirov O’. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma’ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
7. O’zbekiston iqtisodiy axborotnomasi.
8. devdata. www.worldbank.org-data-query-.url

I. Жаҳон капиталлар бозори (ЖКБ) жаҳон иқтисодиётининг асосий унсурларидан бири саналади ва у ишлаб чиқариш омилларидан бири бўлган молиявий ресурслар ҳаракатини таъминлайди.

Замонавий ЖКБнинг шаклланиши XIX ва XX асрлар бўсағасида юз берди. Бу пайтда бир қатор етакчи мамлакатларда (Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ ва қисман Россия ҳамда Японияда) миллий ҳудуд чегарасидан олиб чиқилиб, бошқа мамлакат хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган нисбатан ортиқча капитал жамғармалари пайдо бўлди.

Молиявий ресурсларнинг бу тарздаги миграциясидан асосий мақсад бир мамлакат ички муомаласидан олинган пул маблағларини қабул қилиб олувчи мамлакатга юқори даромад олиш мақсадида самарали жойлаштириш ҳисобланади.

Капитал миграциясининг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: маълум давлат ҳудудидан молиявий ресурсларни олиб чикувчи шахснинг (инвестор) бу ресурслардан бошқа мамлакат иқтисодиётида фойдаланиши орқали қўшимча фойда олиш имкониятининг борлиги: инвесторларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми ва номенклатурасини кенгайтиришга интилиши: ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари: ишчи кучи, товарлар, хизматлар, ахборотларни айрибошлашга рағбатлантириш.

Ривожланган инфратузилма ва халқаро ҳуқуқий майдоннинг мавжудлиги ҳудудий ва глобал миқёсда капитал ҳаракатини сезиларли равишда осонлаштиради. Ушбу жараёнда давлат тузилмалари, хусусий компаниялар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар фаол иштирок этишади.

Экспертларнинг баҳолашича, капитал экспортининг ўсиш суръати савдо ва ишлаб чиқаришга нисбатан олдинда бормоқда. Хусусан, охириги ўттиз йил давомида хорижий инвестициялар ҳажми 16 мартадан кўпроққа ўсди.

Ҳозирги кунда халқаро капитал бозори қуйидаги қатор хусусиятлар билан характерланади.

1. Капитал экспортининг географик тузилмасидаги ўзига хос ўзгаришлар.

2. Молиявий ресурслар миграциясида давлат ролининг ортиши (айниқса, ХВФ каналлар бўйича ва “ривожланишга расмий ёрдам” бўйича).

3. Трансмиллий компаниялар фаолияти доирасида тўғри инвестициялар аҳамиятининг ортиб бориши.

4. АҚШ- Ғарбий Европа- Япония учбурчагида капитал оқими ҳажмининг энг катта миқдорда сақланиб қолиши.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ молиявий ва ахборот технология тармоқларининг тез ривожланиб бориши (масалан, оффшор ҳудудларни ташкил этиш орқали).

Сўнги ўн йилликлардаги энг муҳим халқаро муаммо дунёдаги кўпчилик ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар ташқи қарзларининг катта миқдордалиги бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари 90-йилларнинг ўрталарига келиб, ЖКБ аввалига Лотин Америкаси мамлакатлари (Мексика, Бразилия, Аргентина)да тарқалган, кейинчалик Жанубий-Шарқий Осиё (Таиланд, Индонезия, Малайзия), Тайван, Жанубий Корея ва ҳатто Японияни эгаллаб олган глобал молиявий инқирозга юз тутди.

Капитал олиб чиқиш кўринишлари. Капитал олиб чиқиш жараёнини унинг у ёки бу қиррасини акс эттирувчи мезонларга боғлиқ равишда синфларга ажратиш мумкин. Капитал ҳаракати манбалари нуқтаи назаридан, ҳукуматлараро келишувларга мос равишда эътиборли давлат органлари қарорига биноан давлат бюджетидан расмий молиявий ресурсларни олиш (бу типга халқаро ташкилотлар маблағлар ҳам киради) жараёни ёки хусусий, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг тузилган

асосидаги инвестицион фаолияти натижасида капитал экспортига эга бўламиз.

Иқтисодий мазмунига боғлиқ равишда бўш турган маблағлар икки гуруҳга бўлинади. 1. Тадбиркорлик капитали (маълум миқдордаги фойдани дивидент кўринишида олиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида ишлаб чиқаришга маблағ қўйишга асосланган). **2. Ссуда капитали** (фоиз олиш мақсадида қарз олувчига пул маблағи беришни ифода этади) кўринишида бўлиши мумкин.

Муддатидан келиб чиқадиган бўлсак, қисқа (бир суткадан бир йилгача), **ўрта** (бир йилдан беш йилгача) ва **узоқ** (беш йилдан ортиқ) **муддатли капитал қўйилмалари бўлиши мумкин.** Аниқ бир муддатни танлаш тузилаётган шартнома шартлари билан аниқланади.

Фойдаланиш мақсадига кўра, капитал қўйилмалари тўғри ва портфель инвестицияларга бўлинади. Тўғри инвестициялар капитал қўйилган объектни бошқариш (назорат қилиш)ни назарда тутса, **портфель инвестициялар** эса капитал қўйилаётган объект қимматли қоғозлари (акциялар, сертификатлар, полислар кабилар) ни сотиб олиш ва эмиссия қилишда ўз аксини топади ҳамда фақатгина фойда олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Жаҳон хизматлар бозорининг ривожларниш жараёнида капитал олиб чиқишнинг кўрсатиб ўтилган синфлашда келтирилган турли хил кўринишлари орасидаги чегаралар “йўқолиб бормоқда”. Халқаро ҳамкорликнинг янги кўринишлари: консалтинг, лизинг, форфейтинг ва бошқалар ХИМнинг савдо, валюта, кредит, ахборот соҳалари чегарасида кенг тарқала бошлади.

Умумжаҳон банки гуруҳининг фаолияти. Юқорида қайд этиб ўтилгандек, капитал бозорида глобал ва ҳудудий даражадаги халқаро ташкилотлар сезиларли ўринга эгадирлар. Йирик капитал қўйилмалари лойиҳаларини амалга оширувчи, ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли давлатларга берилаётган иқтисодий ёрдамни мувофиқлаштирувчи, бошқа халқаро ташкилотларга ўз таъсирини ўтказа олувчи Умумжаҳон банки энг эътиборли инвестицион институтларнинг бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Умумжаҳон банки жами 85 млрд. доллар миқдордаги капиталга эга бўлган ва бешта ўзаро бир-бири билан боғлиқ тузилмадан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти ҳисобланади. Бу беш институт ҳуйидагилар саналади:

1. Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки (ХТТБ). Бреттон-Вудсдаги иқтисодий анжуман қарорига биноан 1945 йилда, ХВФ билан бир пайтда ташкил этилган. 180 та давлатни бирлаштирган. ХТТБ нинг олий органи бошқарувчилар кенгаши ҳисобланади. Таркибида 24 аъзони бирлаштирган ижрочи- директорлар кенгаши ХТТБ президенти раҳбарлигида доимий фаолият олиб боради. 1995 йилдан бери Америкалик Дж. Вулфенсон ХТТБ президенти лавозимида ишлаб келмоқда. Банк томонидан Вашингтон, Париж, Лондон ва Токиода очилган ахборот марказлари айрим мамлакат ва

худудларнинг иқтисодий ривожланишининг шарҳлари билан танишиш имконини беради.

2. Халқаро молия корпорацияси (ХМК). ХТТБ нинг махсус шахобчаси сифатида 1956 йилда ташкил этилган. ХМК нинг асосий мақсади-ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига хусусий сектор билан ҳамкорликда кўмаклашиш.

3. Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ). 1960 йилдан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган. Кам ривожланган мамлакатларга фоизсиз кредитлар бериш билан шуғулланади. ХТТБ банки ўз молиявий ресурсларининг асосий қисмини облигация заёмларини жаҳон бозорига жойлаштириш орқали олса, ХТУ маблағларининг манбаи донор -мамлакатларнинг аъзолик бадаллари ҳисобланади.

4. Инвестицион можароларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ИМТСХМ). 1966 йилда ташкил топди. Ҳукматлар ва хорижий инвесторлар ўртасидаги бахсларни тартибга солиш ва ўзаро муроасага келтириш билан шуғулланади.

5. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (ИКХА). Ўз фаолиятини 1988 йилдан бошлаган. У хорижий инвесторларни ривожланаётган мамлакатларда фаолият олиб бориш жараёнида тижорий хавф- хатардан суғурталашни амалга оширади.

Умумжаҳон банки (УБ) гуруҳи ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) фаолиятларида ташқи ўхшашлик бўлсада, улар бир- биридан фар ҳам қилади. Умумжаҳон банкига фақатгина ХВФ таркибига кирувчи давлатлар аъзо бўлиши мумкин. ХВФ валюта- молия соҳасида ҳаракат қилади, УБ эса мақсадли инвестицион лойиҳалар билан шуғулланади. ХВФ барча ҳоҳловчиларга қарз бериши мумкин, УБ эса фақат ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли давлатларга кредит беради, бу кредитларнинг кўп қисми 15- 20 йил муддатга ҳамда ўртача 7- 8 фоиз ставкасига мўлжалланган.

Кейинги пайтда мутахассислар доирасида банк фаолияти бир хилда баҳоланаётгани йўқ. Дунёнинг турли ҳудудларида амалга оширилаётган мувофақиятли лойиҳалар билан бир қаторда банк дастурининг 80 % и яқунланмай қолди ёки амалга ошириш босқичида бекор қилинди. Бундан ташқари бу ташкилот, адресига экологлар ва банк фаолиятидаги қоғозбозликдан қутилишдан манфаатдор бўлган йирик компанияларнинг вакиллари томонидан танқидий фикрлар айтилди.

II. Тўғри ва портфел инвестициялар. Тўғри капитал қўйилмаларни амалга ошириш ҳар қандай иқтисодиётнинг юрагига- ишлаб чиқариш босқичига таъсир қилади. У инвесторга тадбиркорлик фойдасини олиш билан бирга капитал қўйилган объект устидан бошқарув назоратини таъминлаш имкониятини беради. Экспертларнинг ҳисоб- китобларига кўра, тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллик умумий ҳажми 2000 йилда 500 млрд. долл. дан ошиб кетди (1995 йилда- 315 млрд. долл.).

Тўғри инвестицияларнинг асосий каналлари йирик корпорацияларнинг шахобчалари ва шўъба корхоналари, шунингдек, 10 фоиздан 50 фоизгача хорижий капитал улушига эга бўлган акционерлик компаниялари, бошқа қўшма корхоналар (КК) низом капиталига қўйилган маблағлар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда инвестициялашнинг ўзига хос белгилари қуйидагилар саналади.

- Фойдани қайта инвестициялаш ролининг кучайиши (айниқса, йирик корпорациялар ичида):
- Инвестиция оқимларини давлат томонидан тартибга солишнинг эркинлаштирилиши.

80- ва 90- йилларда инвестицион фаолликнинг ошиб боришини бош сабаби трансмиллий корпорациялар (бош фирмалар сони 40 минг шахобчалар сони 270 мингтага етган) фаолиятининг кескин кенгайиб боришида бўлди. Тўғри капитал қўйилмалари ТМК га ҳабул қилувчи мамлакатда барқарор ички бозорни ҳамда глобал ва ҳудудий миқёсдаги давлатлараро муносабатда уларнинг манфаати ҳисобга олинишини таъминлайди.

Портфель инвестициялар тўғри инвестициялардан мақсадларига кўра фарқ қилади, яъни улар капитал қўйилган объектни назорат қилиш ҳуқуқини бермайди, фақатгина “портфел” даги сотиб олинган улушга мос равишда даромад олиш ҳуқуқини беради, одатда, бу улуш халқаро амалиётда 10 фоиздан ошмайди.

Аниқ бир компаниянинг инвестиция “портфели” анъанавий акциялардан ташқари, облигациялар, депозит сертификатлари, гаров гувоҳномалари, суғурта полислари, ваучер кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Портфель инвестицияларнинг ҳаракати кўпроқ давлат ёки хусусий компаниялар томонидан у ёки бу кўринишдаги қимматбаҳо қоғозлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларидаги фарқ миқдорига боғлиқ.

Жаҳон статистикасида портфель инвестицияларга юқори даражада таваккалчилик билан боғлиқ лойиҳаларга венчур капитал қўйилмалари ва жисмоний шахсларнинг суғурта ҳамда нафақа фондларига аннуитет (шахсий жамғарма) қўйилмаларини ҳам киритади.

Рдатда портфель инвестицияларни йирик хусусий инвестицион банклар воситачи сифатида амалга оширишади.

Тўғри ва портфель инвестициялар солиштирилганда шу ҳолга амин бўламизки, тўғри инвестиция киритишда инвесторни капитал қўйиш объекти кўпроқ қизиқтиради.

Инвестицион муҳит тушунчаси. Хорижда инвестиция қабул қилаётган ҳар бир мамлакатда уларнинг ўзигагина хос бўлган инвестицион муҳит мавжуд.

Инвестицион муҳит- мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши учун зарур бўлган шарт шароитлар мажмуасидир.

Бу мажмуа қуйидаги асосий шартларни ўз ичига олади:

- Миллий иқтисодийнинг умумий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар (ЯИМ ҳажми, ЯИМ нинг ўсиш суръати, инфляция ва ишсизлик даражаси, ишчи кучи қиймати ва ҳақозо).
- Инвестицияларни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсати (айниқса хўжалик амалиётида давлат аралашувининг табиати ва кўринишлари).
- Мавжуд хўжалик фаолияти қонунчилиги, энг аввало, инвестиция оқимларини тартибга солиш соҳасида.
- Мамлакатнинг халқаро ташкилотларда иштироки.

Кўриб ўтилган омиллардан келиб чиқсак, энг қулай инвестиция муҳити бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мавжуд.

III. Жаҳон инвестиция оқимлари миқёси ва географиясини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инвестициялар бозорида етакчи ўринларни иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар эгаллаб келмоқда. Булардан АҚШ- Ғарбий Европа- Япония учбурчагини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу соҳада АҚШ шак- шубҳасиз биринчи ўринда бормоқда, у энг яқин рақобатчиларини икки мартадан кўпроқ орқада қолдириб кетмоқда. Америка капитал экспортининг жами йиллик ҳажми фақатгина тўғри инвестициялар орқали 700 млрд. долл. дан ошмоқда.

Бу рейтингда кейинги иккинчи ўринни Буюк Британия ва Япония эгаллаб келаяпти (ҳар бири 300 млрд. долл. дан ортиқ). Кейинги ўринларда Германия, Франция, Нидерландия, Канада, Швейцария, Италия боришмоқда.

90- йилларда жаҳон бозоридаги янги тамоил сифатида собиқ социалистик мамлакатлардан капитал олиб чиқиш тан олинди. Бу ерда Хитой ва Россия етакчилик қилишмоқда. Россиянинг капитал қўйилмалари йўналиши устун равишда МДХ мамлакатлари билан боғлиқ. XXI асрда инвестиция оқимлари географиясидаги асосий ўзгаришлар ҳақида гапирганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз:

- Капитал экспорти (асосан тўғри инвестициялар) ҳажмида АҚШ ва бошқа ривожланган ўртасидаги фарқнинг қисқариши.
- Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар молиявий бозорларининг беқарорлиги шароитида АҚШ, ЕИ ва Япониянинг капитал импортёри сифатидаги ролининг ошиб бориши.
- ТМК инвестиция оқимлари йўналишида анъанавий устуворликларнинг сақланиб қолиши. Масалан, америка корпорациялари асосий эътиборни Ғарбий Европа ва Лотин Америкасига қаратишади, европаликлар эса ўзларининг Африкадаги етакчи мавқеини сақлаган ҳолда АҚШ бозорини эгаллашга интилишади. Япония корпорациялари асосан Осиё мамлакатларини мўлжалга олишади.
- Умумжаҳон банки, Европа тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда ҳудудий молия- кредит муассасалари ва фондлари каби халқаро ташкилотлар ролининг кучайиши.

Хорижий инвестицияларнинг миллий бозорларга тақсимланиши куйидагича тавсифланади: ривожланган мамлакатлар гуруҳига 65%, ривожланаётган мамлакатларга деярли 32%, ўтиш иқтисодиётли давлатларга 3% дан камроқ тўғри келади. Илғор иқтисодиётли мамлакатлар хўжалигида инвестицияларнинг сезиларли равишда ўсиши ахборотлаштириш ва интеграциянинг шиддатли ривожланиши натижасида бу давлатлар иқтисодиётида юз бераётган қайта қуриш, шунингдек, ТМКлар қўшилишидаги конъюктуравий жараёнларга асосланади.

Энг фаол- инвестор корпорациялар рейтингини халқаро тадбиркорликнинг “китлари”- “Ройял- Датч Шелл” ва “Экссон” нефть концернлари, “Форд” ва “Тойота” автомобил гигантлари, “Дженерал электрик” ва “Юнилевер” машинасозлик гуруҳлари, “Майкрософт” ва “Интел” киби компьютерлаштириш соҳасидаги етакчи компаниялар бошқариб боришмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг қитъалар бўйича тақсимланишини кўриб чиқадиган бўлсак, вазият куйидагича: Осиёга 65%, Лотин Америкасига 27%, Африкага фақат 8% тўғри келади.

Мамлакатимизда дастлаб тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) фаолиятини тартибга солувчи қонуний асос сифатида 1994 йил 5 майда Ўзбекистон республикасининг “Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида” ги қонуни қабул қилинди.

IV. Халқаро кредитлар- валюта ва ресурсларни қайтаришлик, фоизлилиқ, моддий кафолатланганлик ва тўловлилиқ шартларида бошқа мамлакат субъектларига киритишдир. Халқаро кредитлар куйидагича гуруҳланади.

1. **Манбасига кўра-** давлат ташкилотлари кредитлари ва хусусий ташкилотлар кредитлари.

2. **Кўриниши бўйича-** товар (экспортёрлар- харидорларга) ва валютавий (банклар- мижозларга).

3. **Мақсадига кўра-** тижорий (савдо), молиявий (тўғри ва порфел инвестициялар, қарзларга хизмат кўрсатиш, валютани тартибга солиш) ва аралаш (комплекс хизматлар, жумладан инжиниринг).

4. **Валютанинг миллий тааллуқлилигига кўра-** кредитор, қарз олувчи, учинчи давлат, халқаро бирликлар (СДР, евро).

5. **Муддатига кўра-** жуда қисқа муддатли (1 суткадан уч ойгача), қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ муддатга).., бундан ташқари таъминланишига кўра, қарз бериш техникасига кўра каби гуруҳларга бўлинади.

Жаҳоннинг кредит бозорлари ўз функцияларига кўра етакчи валюта-молия операциялари марказларида: Лондон, Нью- Йорк, Токио, Франкфут-Майна, Цюрих, Люксембург, Сингапур каби шаҳарларда жойлашган халқаро валюта ва фонд бозорлари билан чамбарчас боғланган.

Ташқи қарздорлик инқирози. Ташқи қарздорлик инқирозининг бошланиши, бу мамлакат томонидан давлат тегишли каналлар орқали ёки давлат кафолати остида олинган кредитлар ва заёмларни тўлаш графигининг бузилишида намоён бўлади.

Ташқи қарздорлик инқирозининг конъюктуравий (конъюктуравий сабаблар вақтинчалик ва ҳолатий характерда бўлади. Масалан, табиий офатлар) ва тузилмавий (тузилмавий сабаблар иқтисодий тараққиётдаги чуқур тенденциялар билан боғлиқ бўлади. Масалан, ялпи миллий маҳсулотнинг камайиб кетиши) сабабларини фарқлаш мумкин.

Аниқ бир вазиятни баҳолашда халқаро молия институтлари давлатнинг ташқи қарзлари билан унинг ЯММини солиштириш мезонидан фойдаланади. Ташқи қарзларнинг ЯММдаги улуши 30 фоиздан ошганлиги мамлакатнинг кредиторларга юқори даражада боғланиб қолганлигини англатади.

Ташқи қарздорликнинг кам аҳамият касб этмаган бошқа бир кўрсаткичи мамлакат ЯММининг қарзга хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган нисбий улуши ҳисобланади. Агар бу индекс 5 фоиздан ошиб кетса, қарз юки оғир ҳисобланади. Қарздорнинг қарзини ёпиш имкониятлари унинг экспорт имкониятларига боғлиқ бўлганлиги учун экспертлар ҳолатни таҳлил қилишда қарзнинг экспортга нисбати ва қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланишади. Бунда қарзга хизмат кўрсатиш меъёри (ҚХМ) 20 фоиздан юқори бўлганда тўлов графигининг бузилиши ва қарздорлик муаммосининг пайдо бўлиши хавфи туғилади.

Ташқи қарзлардан қутилиш усуллари:

-Қарзни реструктуризациялаш- кредитнинг тўлаш муддатларини, фоизларни тўлашни орқага суриш орқали чўзиш (қисқа кредитларни узок муддатли кредитларга айлантириш).

-Қарз конверсияси- қарз мажбуриятларини иккиламчи бозорда ликвидли бўлган қимматли қоғозларга айлантириш.

-Қарзни дискондлаш- кредитор ва қарз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир қисмини ўчириш.

-Қарзни иккиламчи бозорда сотиш- бу ХИМда 80- йилларнинг ўрталаридан буён мавжуд.

V. Харид қобилияти паритети назарияси. Бу тамоил илк бор швед иқтисодчиси Г. Кассел томонидан 1918 йилда асослаб берилган, бироқ унинг тамал тошини инглиз классик иқтисоди мактаби вакиллари (хусусан, Д. Рикардо) асарларидан қидириш керак. Рикардонинг фикрича, валюта курси қиймат асосига эга эмас, балки муомалада бўлган пул миқдорини регламентловчи давлат сиёсати натижасида, демак нарх орқали ҳам ўрнатилади. Харид қобилияти паритети назариясига мувофиқ, валюта курси муомаладаги пул миқдorigа боғлиқ бўлган икки мамлакат пул миқдорининг нисбий қиймати билан аниқланади.

Дж. М. Кейнс тамоили. Кейнс тамоилига кўра давлат томонидан фоиз ставкасини манипуляция қилиш мамлакатга хориждан келадиган инвестиция оқимларини қуйидагича ўзгартиради: фоиз ставкаси камайтирилса, ташқи қарзлар ҳажми ортади, фоиз ставкаси оширилса аксинча камайди.

М. Фридменнинг монетар назарияси. Чикаго монетаристлар мактабининг йўлбошчиси М. Фридмен ўз издошлари билан биргаликда сузиб юрувчи валюта курслари назариясини ишлаб чиқди. Сузиб юрувчи валюта курслари тўлов балансини автоматик равишда барқарорлаштириш, иқтисодий жараёнларга давлатнинг ҳаддан ташқари кўп аралашувини мустасно қилиш, валюта чайқовчилигини олдини олиш ва капитал ва бошқа ишлаб чиқариш омилларининг миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтишини рағбатлантириш имкониятини беради. Монетаризм- бу назарияга кўра, давлат томонидан пул массасининг ўсиш суръатларини барқарор ушлаб туриш (3-5 %) ва давлат харажатларини қисқартириш хусусий капитал учун бир иқтисодиётдан бошқасига эркин оқиб ўтиш каналларини очади, бу янги иш жойларини яратиш ва аҳоли фаровонлигин ошириш имкониятини беради.

Назорат саволлари.

1. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари.
2. Умумжаҳон банки гуруҳининг фаолияти нималардан иборат ?
3. Ташқи қарздорлик инқироzi ва унинг мазмуни ?
4. Ташқи қарзлардан қутилиш усуллари.
5. Харид қобилияти паритети назариясининг мазмуни.
6. Дж. М. Кейнс тамоили.
7. М. Фридменнинг монетар назарияси.
8. Тўғри ва портфел инвестициялар.
9. Халқаро кредитлар қандай гуруҳларга бўлинади?
10. Инвестицион муҳит тушунчаси ?

№6 Мавзу: Халқаро валюта-кредит муносабатлари.

Режа.

1. Халқаро валютавий ҳисоб-китоб муносабатлари.
2. Миллий ва хорижий валюта тушунчаси.
3. Валютанинг конвертирланганлиги. Валюта курси ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
4. Валюта бозорлари. Тўлов ва ҳисоб-китоб баланси.

Таянч иборалар: валюта, валюта фонди, валюта ковертирланганлиги, валюта курси, валюта бозори.

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekistonda uni bartaraf etishning yo'llari va choralari ” Toshkent: “O'zbekiston” 2009 yil.
2. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
3. Булатов А. С. «Мировая экономика» Учебник. Москва: Юристъ 2003 г.
4. Кругман П. Международная экономика . 5-е изд. Питер. СПб : 2002 г.
5. Nazarova G. G, Haydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O'quv qo'llanma. Toshkent: 2002 yil.
6. Shodmonov Sh. , G'afurov “Iqtisodiyot nazariyasi” Toshkent: “Moliya” 2005 yil
7. Usmonov A., Sangirov O'. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma'ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
8. O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi.
9. www.worldbank.org
10. www.gov.uz

I. Халқаро ҳисоб-китоблар турли давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларидан келиб чиқувчи пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш жараёнини ақс эттирган ҳолда товар ишлаб чиқариш ва муомала соҳасини глобаллаштириш йўлида вужудга келади. Улар ишлаб чиқариш ва истемол соҳасидан деярли алоҳида бўлган товарлар, хизматлар ва капиталлар халқаро айланмасида қийматлар ҳаракатини ақс эттиради.

Халқаро ҳисоб-китоблар асосан нақдсиз тўлов воситасида банклар ва уларнинг хорижий шаҳобчалари ёрдамида ҳамда бу шаҳобчалар ўртасида корреспондент, яъни шартнома муносабатларини ўрнатиш орқали амалга оширилади. Корреспондент битимларида ҳисоб- китоблар тартиби, комисион тўловлар миқдори ва заруриятига қараб ҳисобларни тўлдириш усуллари аниқланади.

Халқаро ҳисоб- китоблар амалиёти миллий валюталар, халқаро валюта бирликлари ва олтиндан фойдаланишни назарда тутди. 1917-1918 йиллардан олдин “олтин стандарти” деб номланган тизим ҳукмронлик қилган, инглиз фунт стерлинги 80 фоизга яқин ҳисоб-китобларга хизмат

қилган. 80 йилларда эса АҚШ долларининг улуши 70-75 фоизга етди. Бироқ бу кўрсаткич 90 йилларга келиб 55-60 фоизгача камайди, чунки жаҳон бозоридаги ҳисоб-китобларда немис маркаси, япон йенаси, Швецария франки кенг қўлланила бошланди. Бундан ташқари 70- йиллар халқаро ҳисоб валюта бирликлари: махсус қарз олиш ҳуқуқи (ингл. –Special Drawing Rights (SDR)) ва европа валюта бирлиги (ингл. –European Currency Unit (ECU)), кейинчалик евро кабиларнинг пайдо бўлиши билан ажралиб туради.

1967-1969 йилларда ташкил этилган **махсус қарз олиш ҳуқуқи** Халқаро валюта фондининг махсус ҳисобларидаги кредит ёзувлари кўринишидаги халқаро активлар (яъни захира ва тўлов воситалари) бўлиб, уларнинг миқдори ХВФ га аъзо мамлакатларнинг квоталарига мос келади. Бу мамлакатлар эквивалент бермасдан олтин ва миллий валютада маълум суммадаги SDR га эга бўлишади. Халқаро активлардан фойдаланиш муддати вақт бўйича чегараланмаган. SDR захираларидан ХВФ га аъзо бўлган мамлакатлар ўзаро ҳисоб-китобларда эркин фойдаланиши мумкин. SDR асосан мамлакат тўлов баланси ва валюта курсини тартибга солишга мўлжалланган. Дастлаб SDR 0.888671 грамм олтинга тенглаштирилган, бу АҚШ долларининг ўша даврдаги олтинда ифодаланган қийматига мос келган. 1974 йилдан буён SDR қиймати валюта савати ёрдамида ўрнатилади, у 1981 йилгача ҳар бирининг жаҳон савдо айланмасида ташқи савдоси 1 фоиздан кам бўлмаган 16 та давлат валютасидан ташкил топган. Кейинчалик ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун валюта саватига фақат бешта мамлакат валютаси кирган. АҚШ доллари- 39 фоизга, немис маркаси- 21, япон йенаси -18, инглиз фунт стерлинги ва француз франки 11 фоиздан улушга эга бўлган.

Ўтган 30 йил ичида SDR икки марта: 1970-1972 йилларда 9.3 млрд. долл. ва 1979-1982 йилларда 21.4 млрд. долл. миқдорда эмиссия қилинган. Бироқ 1981 йилдан кейин ХВФ аъзолари сони 38 тага етган. ХВФ директорлар кенгаши қўшимча 28.9 млрд. долл. миқдорда SDR чиқаришга қарор қилди. Бу 21.4 млрд. SDRга мос келар эди. Узоқ вақт давомида SDRни тақсимлашнинг турли лойиҳаларни мувофиқлаштириш натижасида ХВФнинг барча аъзоларига бир хил ҳажмда, яъни тахминан миллий квотанинг 30 фоизи атрофида SDR беришга қарор қилинди.

SDRдан фарқли равишда, Европа валюта бирлиги ҳудудий ҳисоб-китоб бирлиги ҳисобланади., зеро 1979 йилда жорий этилгач, унинг аҳамияти ва роли сўнги ўн беш йил ичида сезиларли даражада ортиб борди ва ХИМга таъсири Кўхна қитъа чегарасидан ташқарига ёйилиб кетди. ЭКЮ валюта ҳамкорлиги ва тижорий банклар Европа фондининг ҳисобларидаги нақдсиз тўлов ёзувлари кўринишида Европа Иттифоқининг асосий валютаси сифатида хизмат қилади.

ЭКЮ (евро)нинг қўлланилиш соҳаси нафақат давлат ташкилотлари, балки хусусий молия-кредит муассасаларини ҳам ўз ичига олади. Бу ҳисоб-китоб бирлигининг бошқа бир хусусияти шундаки, йилнинг ҳар бир чораги бошида эмиссия қилинадиган ЭКЮ суммаси ЕИга аъзо-мамлакатлар олтин-валюта захираларининг ўзгаришига мувофиқлаштирилади, чунки ЭКЮ нинг

50 фоизи олтин, қолган 50 фоизи Европа Иттифоқининг миллий валюталари билан таъминланган. Европа валюта бирлигини баҳолаш битимининг 15 та иштирокчи-давлатлари валютасидан таркиб топган сават асосида амалга оширилади. Марказий курсларни қайта кўриш беш йилда бир марта ёки ЕИ ҳар бир аъзосининг талабига кўра ўтказилади.

1999 йилда ЭКЮ янги ягона европа валюта бирлиги еврога алмаштирилди, евро 2002 йилдан сўнг нафақат нақдсиз тўловлар, балки нақд кўринишга ҳам эга бўлди.

Халқаро ҳисоб-китобларда олтиннинг тутган ўрнига келсак, ундан тўлов воситаси сифатида фақат жаҳон урушлари ва глобал иқтисодий инқирозлар (мас. 1929-1933 йиллардаги Буюк тушкунлик) келтириб чиқарган фавқулудда ҳолатларда фойдаланилди. 70-йилларда юз берган олтин демонитизацияси ҳамда SDR ва ЭКЮ эмиссия қилина бошлагандан сўнг мамлакатлар расмий олтин захираларининг бир қисмини жаҳон бозорларида ташқи савдо битимлари ва кредит муносабатлари бўйича халқаро мажбуриятлари ифодаланган валюталарга айрибошлаш учун сота бошлашди.

Ҳозирги пайтда АҚШ марказий банки энг кўп олтин захирасига эга (8000 тоннадан кўпроқ). Шунингдек тутиш керакки, олтин захиралари ҳажми фақатгина мамлакатнинг иқтисодий қувватига эмас, балки мамлакатдаги олтин қазиб олиш даражасига ҳам боғлиқдир.

Халқаро ҳисоб-китоб кўринишлари. Ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган халқаро битимлар қуйидаги асосий унсурлар: ***баҳолаш валютаси, тўлов шартлари ва воситалари валютаси, ҳисоб-китоблар банки*** ва ҳисоб-китоблар кўринишини назарда тутган ҳолда тўловларни хорижий валютада амалга оширишнинг умумий қоидаларини аниқлаштиради.

Баҳолаш валютаси.— бу валюта товарнинг шартнома нарҳини аниқлаб беради. Бу валюта товарнинг шартнома нарҳини аниқлаб беради (у баъзан бир неча валютада ёки халқаро ҳисоб- китоб бирликлари SDR ва Еврода баҳоланади).

Тўлов валютаси- импортёр мажбуриятини тўлашда фойдаланиладиган валютани ифодалайди.

Тўлов воситаси- нақд тўлаш, кредитга тўлаш, шунингдек нақд тўловни танлаш ҳуқуқи билан кредитга тўлашни назарда тутди.

Аккредитив- шундай битимки, унга мувофиқ, банк мижозининг илтимосига кўра ҳужжатда кўрсатилган шартларда учинчи шахсга (бенифициар)га тўловни амалга ошириш ёки бенифициар томонидан амалга ошириш мажбуриятини олади.

Инкассо- мижоз буйруғига кўра жўнатилган товарлар ёки хизмат учун импортёрдан тўловни қабул қилиш ва бу маблағларни экспортёр ҳисобига ўтказиш операцияси.

II. ХИМ нинг муҳим соҳаларидан бири саналган валюта муносабатлари пул бирликларидан тўлов- ҳисоб китоб воситаси сифатида фойдаланишга

асосланган. Шу билан боғлиқ равишда миллий ва жаҳон валютаси шунингдек универсал ҳисоб- китоб валюта бирликларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Валюта (италиянча- valuta- “баҳо”, “қиймат” деган маънони беради) тушунчаси кўп маънога эга бўлиб, бир томондан маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси бўлса, иккинчи томондан бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валюта кўринишидаги жаҳон резерв пули ва ниҳоят сўнги йилларда ХВФ ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб- китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликларини билдиради.

Валюта курси- миллий валюталар ўртасидаги нисбат бошқача айтганда бир мамлакат валютаси баҳосининг хорижий пул бирликларида ифодаланиши.

Паритет- Бу миллий валюта ўртасидаги уларда расмий равишда белгиланган олтин миқдори асосида олинган нисбатдир.

1867 йил Париж валюта тизими имзоланди. Париж анжумани иштирокчилари олтинни ягона жаҳон пули сифатида тон олишди. Париж валюта тизимининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

- *У олтин- пул стандартига асосланган эди.*
- *Ҳар- бир валюта маълум миқдордаги олтин билан таъминланган эди.*
- *Талаб ва таклиф асосида, аммо йўл қўйилган тебраниш (1 %) чегарасида эркин сузувчи валюта курси шаклланди.*
- *Барча халқаро тижорат операциялари олтин билан 100 фоизга қопланди.*

Бироқ XX асрнинг бошларига келиб, олтин- пул стандартининг умри аста- секин яқунига ета бошлади, зеро у хўжалик алоқалари кўламига ва бозор иқтисодиётини тартибга солиш шартларига жавоб бера олмай қолди. Париж валюта тизимига ҳал қилувчи зарба биринчи жаҳон уруши ва 1918-1922 йиллардаги сиёсий инқироз томонидан берилди.

Натижада аввалги валюта тизими ўрнига 1922 йилда Генуя валюта тизими келди, у олтинга қўшимча равишда девизларни- 20- 30 йиллардаги етакчи давлатлар (Фран., БуюкБ., АҚШ)нинг валюталаридан фойдаланишни назарда тутар эди.

Девизлар- етакчи мамлакатларнинг пул бирлиги.

1973 йилда АҚШ доллари мавқеининг пасайиб кетиши натижасида доллар икки марта девальвация қилинганидан сўнг, уни олтинга эркин алмаштириш бекор қилинди ва 1973 йилнинг мартидан бошлаб белгиланган валюта курсларидан сузувчи валюта курсларига ўтилди.

ХВФ қошида йигирмалар қўмитаси доирасида юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш йўллари топишга ҳаракат қилинди. 1976 йилдан 1978 йилгача Ямаиканинг Кингстон шаҳрида битим имзоланиши ва аъзо-мамлакатлар томонидан ХВФ низомида ўзгаришлар ратификация қилинишидан сўнг навбатдаги янги жаҳон валюта тизими расмийлаштирилди.

Ямайка валюта тизими унинг ижодкорлари томонидан қуйидаги тамоиллар асосида яратилди.

- Олтин стандарти махсус қарз олиш ҳуқуқи (SDR) билан алмаштирилди.
- Олтинни демонетаризациялаш, яъни олтин паритетларини бекор қилиш ва олтинни долларга алмаштиришни тўхтатиш.
- ХВФ аъзоларига миллий валюта курслари режимини эркин танлаш ҳуқуқини бериш.
- ХВФ ва ХТТБни жаҳон валюта тизимининг гранти сифатида сақлаб қолиш.

Бреттон- Вудс анжумани қарорига мувофиқ 1945 йилда ташкил этилган ХВФ 1946 йилдан бошлаб операцияларни амалга ошира бошлади.

ХВФ ҳукматлараро ташкилот бўлиб БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия кредит соҳасидаги бошқа бир қатор вазифаларни бажаради. ХВФнинг штаб квартиласи Вашингтонда жойлашган. Бугунги кунда ХВФ нинг ўз маблағи 290 млрд долларга етади.

III. Валютанинг конвертирланганлиги мамлакатнинг молиявий, бинобарин умумиқтисодий ҳолатининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ҳукумат валюта сиёсати доирасида валюта чеклашлари комплексининг таркибий қисми бўлган валюта конвертирланганлиги 3 хил турга бўлинади.

Конвертирланмаганликдан қисман конвертирланишга, сўнгра тўлиқ конвертирланишга ўтиш жараёни узоқ вақт давом этадиган жараён бўлиб, мамлакат объектив иқтисодий ижтимоий шарт шароитлари ва аниқ ўйланган ҳукмат сиёсати мавжуд бўлсагина мувофақиятли яқунланиши мумкин.

Валюта курсига жуда кўп омиллар таъсир этади. Уларнинг ичида энг асосийлари қуйидагилар:

1. *Инфляция даражаси (инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, миллий валюта курси шунчалик паст бўлади).*
2. *Бюджетнинг, айниқса, мамлакат тўлов баланси ҳолати.*
3. *Миллий фоиз ставкаларидаги фарқлар.*
4. *Бозордаги чайқовчилик операциялари.*
5. *Валютага ишонч даражаси ва ундан ҳалқаро ҳисоб- китобларда фойдаланиш даражаси.*
6. *Тўловларни тезлаштириш ёки секинлаштириш амалиётининг қўлланилиши.*
7. *Ҳукматнинг валюта сиёсати.*

Валюта катировкаси– бир валюта баҳосининг бошқа валюталарда ифодаланишининг рақамли ёзуви.

№7 Mavzu: Xalqaro ishchi kuchi migratsiyasi

Reja.

1. Jahon ishchi kuchi bozori.
2. Ishchi kuchi migratsiyasining mamlakatlar iqtisodiy rivojlanishiga ta'siri.
3. "Aqlli kishilarning ketib qolishi" muammosining mohiyati.
4. Xalqaro ilmiy-texnikaviy va ilmiy xamkorlik.

Tayanch iboralar: ishchi kuchi bozori, mehnat migratsiyasi, jahon axborot va texnologiya bozori, nau-xau, remigratsiya.

Adabiyotlar:

1. Karimov I. A. "Bizning bosh maqsadimiz-jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir ", -Toshkent: "O'zbekiston". 2005 y.
2. Karimov I. A. "Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohatlarni chuqurlashtirish-eng muhim vazifamiz",- Toshkent: "O'zbekiston" 2000 y.
3. Karimov I. A. "Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekistonda uni bartaraf etishning yo'llari va choralari " Toshkent: "O'zbekiston" 2009 yil.
4. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov "Xalqaro iqtisodiy munosabatlar" Toshkent: TDIU 2005 y.
5. Nazarova G. G, Xaydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O'quv qo'llanma. Toshkent: 2002 yil.
6. Shodmonov Sh. , G'afurov "Iqtisodiyot nazariyasi" Toshkent: "Moliya" 2005 yil
7. Usmonov A., Sangirov O'. "Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" Ma'ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
8. O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi.
9. Sh. Ergashev, T. Bobomatov, N. Tursunov va boshqalar. "Jahon mamlakatlari" Toshkent: "Sharq" 2007 yil
10. [www. gov. uz](http://www.gov.uz)
11. devdata. www. worldbank. org-data-query-.url

I. Jahon aholisi yoshiga bog'liq ravishda ikki tipdagi odamlarni o'z ichiga oladi: mehnatga layoqatli- 15- 60 yoshlilar, mehnatga layoqatsiz- bolalar va qariyalar. Aholi umumiy hajmining 70 foizi birinchi tipga tegishli, biroq bu ulush turli hududlarda o'zgarib turadi. Masalan, Osiyo va Afrikada voyaga yetmaganlar, Evropa va Shimoliy Amerikada qariyalar ulushi yuqoriroq.

O'z navbatida mehnatga layoqatli aholi ham ikki toifaga ajratiladi: iqtisodiy faol va faol bo'lmagan aholiga. Uy bekalari, talabalar (tatil paytida), davlat qaramog'idagi fuqarolar, shuningdek, fuqaroligi bo'lmaganlar iqtisodiy faol bo'lmaganlar qatoriga kiradi. Bizni iqtisodiy faol aholi, ya'ni mehnatga layoqatli va unga intiluvchi odamlar qiziqtiradi. Fuqarolarning aynan shu toifasi mamlakat ichkarisida va xorijda ish qidirish jarayonida faol ishtirok etadi.

Xalqaro ishchi kuchi migratsiya uzoq tarixga ega bo'lsa-da, faqatgina XX asrga kelib ishlab chiqarish omillari xarakatining yetakchi ko'rinishlaridan biriga.,

Binobarin XIMning alohida sohasiga aylandi.

- **Xo'jalik hayotining baynalmilallashuvi;**

- **Ijtimoiy- demografik o'zgarishlar;**
- **Fan texnika va axborot sohasidagi inqilob;**
- **Integratsiya jarayonlarining rivojlanishi;**
- **Transmilliy korporatsiyalar faoliyati.**

Bu barcha omillar mehnatga layoqatli aholining harakatchanligining kuchayishiga sababchi bo'ldi, zero insonlar mamlakatlar va qit'alararo ko'chish uchun rivojlangan kommunikatsiya infratuzilmasidan foydalanishadi. Hozirgi kunga kelib shunday jahon ishchi kuchi bozori (JIKB) vujudga keldiki, bu bozor asosini milliy xo'jalik tizimlari va jahon iqtisodiyoti doirasida ishlab chiqaruvchi kuchlarning, darajasi tabiyati va joylashuviga sezilarli ta'sir etuvchi iqtisodiy faol aholining mamlakatlar va hududlar o'rtasidagi jami migratsiyon aylanmasi tashkil etildi. XX asrning oxiriga kelib mehnatkash- migrantlarning bir yildagi o'rtacha miqdori 35 mln. Kishiga yetdi (1960-yilda 3,5 mln.). JIKB faqatgina migratlarni emas, balki turli darajadagi migratsiya xizmatlarini, shuningdek, xorijiy mehnatkashlarning huquqiy statusi, ularning mehnatini himoyalash, ularga ijtimoiy kafolatlar berish va boshqa masalalar bilan shug'ullanuvchi xalqaro tashkilotlarni ham o'z ichiga oladi. Mazkur bobda aholining ko'chishi jarayonlari ichida ijtimoiy-iqtisodiy maqsadlar keltirib chiqargan mehnat migratsiyasi to'g'risida so'z boradi. Fuqarolarni o'z vatanidan tashqarida ish qidirishga majbur etuvchi omillar ichida eng asosiysi turmush darajasini yaxshilash va o'z qobiliyatlaridan unumli foydalanishga intilishlari hisoblanadi. Ayni paytda ishsizlik, qishloq xo'jaligida aholining ko'payib ketishi kabi salbiy ijtimoiy-iqtisodiy hodisalar ham yashash joyini vaqtincha yoki doimiy o'zgartirishga sababchi bo'ladi.

Hozirgi paytda davlatlar mehnat migratsiyasini tartibga solish borasida o'z harakatlarini kuchaytirib borishmoqda. Migrantlarni jo'natuvchi (eksportyor-mamlakatlar) va qabul qiluvchi (importyor-mamlakatlar) tomonlarning o'zaro manfaatlarini huquqiy ifodasi odatda ikki va ko'p tomonlama kelishuvlar ko'rinishida amalgam oshiriladi. Bu sohadagi xalqaro konvensiyalarni tayyorlashda Aholi bo'yicha BMT Komissiyasi, Xalqaro Mehnat tashkiloti, Migratsiya bo'yicha xalqaro tashkilot kabi global tashkilotlar sezilarli ko'mak berib kelmoqda. Ishchi-migrantlar huquqlarini himoya qilish bilan shug'ullanuvchi hududiy tuzilmalarga misol sifatida G'arbiy Yevropadagi Migratsiya masalalari bo'yicha hukumatlararo qo'mitasini keltirish mumkin. JIKB doirasidagi munosabatlarni tartibga solishning asosiy xalqaro me'yoriy hujjatlari Xalqaro mehnat tashkilotining 1962, 1975, 1982-yillardagi konvensiyalar hisoblanadi. Bu hujjatlarning moddalari migrantlarni yollash, ularning huquqlarini kafolatlash, migratsiyaning yashirin kanallari bilan kurashish kabi masalalarni tartibga soladi.

Mehnat migratsiyasi deyarli barcha milliy iqtisodiyotga xos jarayondir. Biroq uning jadallik darajasi jahonning u yoki bu hududlarida sezilarli farq qiladi. Migratsiyaning asosiy 4 yo'nalishlari ichida jami migratsiya oqimining hajmi bo'yicha rivojlanayotgan mamlakatlardan rivojlangan mamlakatlar tomon ishchi kuchlari ko'chishi birinchi o'rinda turadi.

Mutaxassislar quyidagi migratsiya oqimlarini alohida ko'rsatib o'tishadi.
G'arbiy Yevropa va Shimoliy Amerika mamlakatlari o'rtasida, sobiq sotsiyalistik mamlakatlardan bozor iqtisodiyotli mamlakatlarga, rivojlanayotgan va o'tish davri iqtisodiyotli davlatlar o'rtasida.

Ishchi kuchi migratsiyasining yana bir yo'nalishi, ya'ni **rivojlangan mamlakatlardan rivojlanayotgan yoki o'tish davri iqtisodiyotli davlatlarga migratsiya** uchrasada, bu yo'nalishni tanlovchi migrantlar soni unchalik ko'pchilikni tashkil etmaydi, va ular TMK larning shahobchalari va shoba korxonalarida band bo'lgan kadrlar, turli xayiriya tashkilotlari va fondlari a'zolari, shuningdek sayohatchilar hamda tavakkalchilardan iborat.

Ishchi kuchini o'ziga tortuvchi markazlar ichida eng yirigi va uch yuzyildan beri mavjud bo'lgan markaz AQSH va Kanada hisoblanadi. Amerika statistlarining ma'lumotiga ko'ra belgilangan kvota 700 ming kishi bo'lishiga qaramay yiliga 1,5 mln. atrofida migrantlar AQSH ga kirib keladi.

Migrantlarni o'ziga tortuvchi boshqa bir markaz Yevropa ittifoqi mamlakatlaridir. Ularga xorijiy ishchi kuchi jami aylanmallsining 4/1 qismidan ko'prog'i to'g'ri keladi. Bu hududda Fransiya (mamlakat aholisining 8 foizi xorijliklar), Germaniyada (7,5 foiz) yetakchilik qilmoqda. Ulardan tashqari Buyuk Britaniya, Belgiya, Niderlandiya, Shvetsiya, Avstriya ham ishchi kuchi qabul qilishda oldingi o'rinlarda turadi.

Mehnat migratsiyasining uchinchi yirik markazi – Avstraliyadir. Avstraliyga kelayotgan migrantlarning asosiy qismini Xitoy etnosiga mansub ahili tashkil etadi.

Muhim migratsiya markazlaridan biri Janibiy G'arbiy Osiyodir. Ularning ichida Fors ko'rpazi mamlakatlari (Saudiya Arabistoni Qatar, Quvayt, Birlashgan Arab Amirli, Isroil) alohida ahamiyat kasb etadi. Bundan tashqari Janubiy va Janubiy Sharqiy Osiyo mamlakatlari (Janubiy Korea, Yaponiya, Malayziya, Singapur, Tayvan) , Lotin Amerikasi (Argentina, Braziliya, Meksika) va MDH doirasida Rossiya yirik markaz hisoblanadi.

Migratsiyaning asosiy ko'rinishlari quyidagilar:

1. Davomiyligiga ko'ra – vaqtinchalik, mavsumiy va doimiy.

2. Ijtimoiy tarkibiga ko'ra – malakasiz ishchilar, o'rta texnik va servis xodimlari, talabalar (tatil paytida), mutaxassislar, fan, madaniyat va sport arboblari, tadbirkorlar.

3. Tabiyatiga ko'ra – bevosita va bilvosita (TMK doirasida firma ichida).

4. Mehnat shartnomasiga ko'ra – shaxsiy va jamoaviy.

5. Qabul qiluvchi mamlakatlardagi huquqiy holatga ko'ra – assimilyatsiyon (keyinchalik fuqarolik berilishi) va noassimilyansiyon.

Xalqaro statistika ma'lumotlarga ko'ra migrantlarning asosiy qismini ishlab chiqarish va qishloq xo'jaligida band bo'lgan kam malakali ishchilar tashkil etadi. Keyingi paytlarda TMK lar tuzilmasida e'tiborli va yuqori haq to'lanadigan mansablarni egallagan yuqori malakali ishchi kuchining migratsiyon oqimi o'sib bormoqda.

II. Migrantlarning asosiy qismini 30-40 yoshdagilar tashkil etadi, ularning xorijga chiqishi ichki mehnat bozorida raqobatni yumshatish imkonini beradi.

Emigrantlarning o'tkazmalaridan kelib tushadigan valyuta mablag'lari jahondagi asosiy ishchi kuchi eksportyorlari uchun milliardlab dollar hajmida o'lchanadi.

O'ttizdan ko'proq mamlakat 100 va undan ko'proq million dollar miqdorida emigrantlarning pul o'tkazmalarini oladi. Bu kanal orqali valyuta daromadlari olish ishlab chiqarish xarajatlari bilan kuzatilmaydi, zero bunday xarajatlar tovar savdosiga xosdir. Natijada ishchi kuchi eksportidan iqtisodiy samara tovarlar va xizmatlar savdosidan taxminan besh marta yuqori bo'ladi. Ishchi kuchi eksportining o'ziga xos ijobiy tomonlariga uzoq vaqt davom etgan xorijiy faoliyatlardan so'ng bu ishchilarning umumiy kasb mahorati darajasi ortishi va ular o'z vatanlarida iqtisodiy hayotning yangi sohalarida ishlashga tayyor bo'lishini kiritish mumkin.

Ishchi kuchining chet elga yuborilishining salbiy jihatlari ichida eng asosiysi mehnatga layoqatli va yuqori malakali mutaxassislarning yo'qotilishi hisoblanadi.

Ishchi kuchini import qiluvchi mamlakatlar odatda, migrantlar soni va sifati tarkibini tartibga solib boruvchi iqtisodiy jihatdan rivojlangan davlatlardir. Tartibga solish dastaklari sifatida immigratsion kvotalar va turli cheklashlardan (migrantning yoshi, ma'lumotlilik saviyasi, kasb mahorati darajasi, sog'ligi kabilari) foydalaniladi. Shuning uchun ham xorijdan ishchi kuchini jalb etish jarayonida tanlov tamoilidan foydalanilishi to'g'risida gapirish mumkin.

Ishchi mehnat bozorida qo'shimcha ishchi kuchining paydo bo'lishi shubhasiz ijobiy jihatlarga ega va ularga quyidagilarni kiritish mumkin:

1. Immigrantlar tomonidan ishlab chiqariladigan tovarlar xarajatlarining kamayishi (xorijliklar impartyor mamlakat fuqarolariga nisbatan faolroq va kamroq ish haqiga ishlashga tayyor bo'lishadi) hisobiga bu tovarlarning raqobatbardoshligi oshadi:

2. Migrant ishchilar tomonidan tovar va xizmatlarga ichki talabning rag'batlantirilishi:

3. Malakali mutaxassislar tayyorlash, ijtimoiy dasturlar, shuningdek boshqa davlatlardan patentlar, litsenziyalar va nau- xaular sotib olishga zarur mablag'larning tejalishi.

4. Ishchi kuchi taklifi sohasida raqobatni kuchaytirish orqali ichki mehnat bozoriga qo'shimcha egiluvchanlikni berish.

Biroq, ishchi kuchini eksport qilishdagi singari uning importida ham salbiy jihatlar mavjud. Xususan, rezidentlar va migrantlar o'rtasidagi ish joyi uchun qo'shimcha raqobat ishsizlikning kuchayishiga olib keladi. Migrantlar oqimining kengayishi bilan bog'liq ravishda mamlakatdan valyuta mablag'larining xorijga chiqib ketishi ortib boradi. Bundan tashqari xorijiy ishchi kuchi, ayniqsa, Afrikalik va Osiyoliklar g'arbiy Evropa va Shimoliy Amerikada milliy, irqiy va diniy negizdagi to'qnashuvlarni keltirib chiqaradi, iqtisodiyot kriminallashadi.

Shunday qilib migratsiya jarayonlarining jahon mamlakatlari iqtisodiyotiga ta'siri yetarli darajada ziddiyatlidir, uning salbiy va ijobiy tomonlarini nisbiy baholash mazkur mamlakatdagi ijtimoiy iqtisodiy vaziyat va uning XIM tizimidagi holatiga bevosita bog'liq bo'ladi.

III. Ishchi kuchi eksporti milliy iqtisodiyotda ijobiy oqibatlar bilan bir qatorda salbiy oqibatlar ham qoldiradi. Bu eng avvalo “aqilli kishilarning ketib qolishi” deb ataluvchi yuqori malakali mutaxassislarning xorijga ketib qolishi bilan bog’liqdir. Bu jarayonning mohiyati shundaki, mutaxassislar turmush darajasi past davlatlardan yuqori ish haqi, yaxshi mehnat sharoitlari, ijodiy imkoniyatlarni amalga oshirishga etarli shart- sharoit va nihoyat ijtimoiy kafolatlar yaratib bera oladigan mamlakatlarga ketib qoladi.

Ishchi kuchini jo’natuvchi davlat uchun salbiy bo’lgan jihatlar qabul qilib oluvchi mamlakatlar uchun ijobiy hisoblanadi. Chunki kirib keluvchi ishchilarning aksariyat qismini yuqori darajada ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy faol bo’lgan yoshlar tashkil etadi. Bunga misol sifatida Polshadan 1983- 1987 yillarda yosh kadrlarning chiqib ketishi bilan bog’liq vaziyatni keltirish mumkin: bu mamlakatni tark etganlarning 15% ni (50 ming kishi atrofida) oliy ma'lumotlilar tashkil etgan, bu Polsha oliy o’quv yurtlarining bir yillik bitiruvchilariga mos keladi. “Intelektual migratsiya” jami ishchi kuchi migratsiyasi miqdorining 3- 5 % ga teng bo’lsada, hozirgi paytda bu ulushning yildan yilga ortib borishi kuzatilmoqda, binobarin jo’natuvchi mamlakat uchun iqtisodiy zarar miqdori ham oshib borayapti. Bu zarar ba'zi bir mamlakatlar milliy daromadining 10% gacha teng bo’lmoqda. Mutaxassislarning chetga chiqib ketishi jahon bozoridagi raqiblarning mavqeyini kuchaytiradi, chunki bu mutaxassislarning ko’pchiligi yirik TMK larga ishga joylashadi.

“Yuqori sifatli” ishchi kuchini o’ziga jalb qiluvchi asosiy markazlar eng boy mamlakatlar: AQSh, Kanada, Germaniya, Frantsiya, Buyubritaniya, Shvetsiya, kamproq darajada Yaponiya, Singapur, Tayvan sanaladi. Aqilli kishilarning chiqib ketishining asosiy kanallar birinchidan, xorijiy talabalar va aspirantlarni chet eldagi universitetlar tomonidan jalb etilishi, ikkinchidan, tajribali mutaxassislarni xalqaro kompaniyalarda ishga taklif etilishi hisoblanadi.

№8 Мавзу: Халқаро иқтисодий интеграция.

Режа.

1. Жаҳон ҳўжалигида интеграцион жараёнлар.
2. Хақаро интеграцияларнинг дастлабки шарт-шароитлари.
3. Интеграциянинг асосий кўринишлари.
4. Европа Иттифоқи.

Таянч иборалар: интеграция, интеграцион гуруҳ типологияси, умумий бозор, эркин савдо ҳудуди (ЭСХ), Божхона иттифоқи, Иқтисодий иттифоқ.

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohatlarni chuqurlashtirish-eng muhim vazifamiz”, - Toshkent: “O’zbekiston” 2000 y.
2. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekistonda uni bartaraf etishning yo’llari va choralari ” Toshkent: “O’zbekiston” 2009 yil.
3. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
4. Авдокушин Е. Ф. “Международные экономические отнош.” Учебник. Москва: 2002 г.
5. Nazarova G. G, Xaydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O’quv qo’llanma. Toshkent: 2002 yil.
6. Shodmonov Sh. , G’afurov “Iqtisodiyot nazariyasi” Toshkent: “Moliya” 2005 yil
7. Usmonov A., Sangirov O’. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma’ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
8. O’zbekiston iqtisodiy axborotnomasi.
9. Sh. Ergashev, T. Bobomatov, N. Tursunov va boshqalar. “Jahon mamlakatlari” Toshkent: “Sharq” 2007 yil
10. www.worldbank.org
11. devdata. www.worldbank.org-data-query-.url

№9 Мавзу: Халқаро иқтисодий ташкилотлар.

Режа.

1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар.
2. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ХИМ да тутган ўрни ва аҳамияти.
3. БМТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари.
4. Баъзи ҳудудий иқтисодий ташкилотлар.

Таянч иборалар: глобал муаммолар, локал муаммолар, ҳудудий муаммолар, экологик муаммолар, қуролсизланиш муаммоси, демографик муаммолар, озиқ-овқат муаммоси.

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Bizning bosh maqsadimiz-jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir ”, -Toshkent: “O’zbekiston”. 2005 y.

2. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekistonda uni bartaraf etishning yo’llari va choralari ” Toshkent: “O’zbekiston” 2009 yil.
3. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
4. Ливенцев Н. Международные экономические отношения. Учеб. Москва. 2005 г.
5. Nazarova G. G, Xaydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O’quv qo’llanma. Toshkent: 2002 yil.
6. Shodmonov Sh. , G’afurov “Iqtisodiyot nazariyasi” Toshkent: “Moliya” 2005 yil
7. Usmonov A., Sangirov O’. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma’ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
8. www.wto.org

№10 Мавзу: Глобал муаммоларнинг иқтисодий жиҳатлари.

Режа.

1. Глобал муаммоларнинг моҳияти ва хусусияти.
2. Қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш.
3. Экологик муаммолар.
4. Озиқ-овқат муаммоси.
5. Демографик муаммолар.

Таянч иборалар:

Адабиётлар:

1. Karimov I. A. “Bizning bosh maqsadimiz-jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir ”, -Toshkent: “O’zbekiston”. 2005 y.
2. Karimov I. A. “Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohatlarni chuqurlashtirish-eng muhim vazifamiz”,- Toshkent: “O’zbekiston” 2000 y.
3. Karimov I. A. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekistonda uni bartaraf etishning yo’llari va choralari ” Toshkent: “O’zbekiston” 2009 yil.
4. G. G. Nazarova, N. X. Haydarov “Xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Toshkent: TDIU 2005 y.
5. Nazarova G. G, Xaydarov N. X. «Xalqaro iqtisodiy munosabatlar» O’quv qo’llanma. Toshkent: 2002 yil.
6. Shodmonov Sh. , G’afurov “Iqtisodiyot nazariyasi” Toshkent: “Moliya” 2005 yil
7. Usmonov A., Sangirov O’. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” Ma’ruzalar matni. Jizzax 2008 yil.
8. O’zbekiston iqtisodiy axborotnomasi.
9. Sh. Ergashev, T. Bobomatov, N. Tursunov va boshqalar. “Jahon mamlakatlari” Toshkent: “Sharq” 2007 yil
10. www.wto.org
11. www.worldbank.org